

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУСИҚА
ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўқув қўлланма

«Муסיқа» нашриёти
ТОШКЕНТ
2005

Мазкур ўқув қўлланма олий мусиқа таълими Давлат стандартлари ва «Мусиқа психологияси» курсининг ўқув дастури асосида Ўзбекистон давлат консерваторияси магистратура босқичи учун тайёрланган.

Мусиқа психологияси (маърузалар курси): Ўқув қўлланма /
Тузувчи-муаллиф Р.Ғ.ҚОДИРОВ. - Т.: Мусиқа, 2005. -80 бет.

Масъул муҳаррир: санъатшунослик фанлари номзоди,
профессор **Р.Ю.ЮНУСОВ**

Тақризчилар: санъатшунослик фанлари доктори,
профессор **Ф.М.КАРОМАТЛИ**

психология фанлари доктори,
профессор **Э.Ғ.ҒОЗИЕВ**

*Ўзбекистон давлат консерваторияси Ўқув-услубий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.*

КИРИШ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Музыка психологияси» маърузалар курси умумий психология курсининг давоми бўлиб, магистратура талабалари, шунингдек, аспирант ва ассистент-стажёрлар учун жорий этилган. Умумий психологияда нисбатан кўп учровчи тушунчалар: фаолият, билиш жараёнлари, ҳиссий-иродавий муҳит, шахсиятдаги индивидуал хусусиятлар мазкур қўлланманинг қурилиш мавзу материали тизимига асос сифатида қабул қилинган. Маърузалар матни якунида бўлажак музикачиларнинг индивидуал ва касбий малакасини аниқлашга оид психологик тестлар ҳамда тавсия этилган адабиётлар рўйхати берилган. Келтирилган адабиётлар рўйхатида музика психологияси бўйича мавжуд библиография акс этирилган. Мазкур маърузалар матнига В.И.Петрушиннинг «Музыкальная психология» («Музыка психологияси») ва А.В.Петровский таҳрири остида чиққан «Умумий психология» ўқув қўлланмалари асос бўлиб хизмат қилди. Буюк музикачилар ҳаёти, ижоди ва фикрларидан келтирилган мисоллар ўқув материалининг ўзлаштирилишини сезиларли даражада осонлаштиради.

Психологик таълим бўлажак мутахассисга музика санъатининг психологиянинг нозик жиҳатлари ва музика педагогикаси борасида билим олишга ёрдам беради. Бўлажак бастакор, ижрочи, музикашунос, педагог инсоннинг ички кечинмалари, унинг ўй ва интилишлари, таҳлилий ҳисоб-китоб ва тасаввурлар парвози, музикавий асар устида ишлаш ва унинг концертдаги ижроси, ирода ва хотира, характер ва қобилият, шунингдек, музикачи ва тингловчи шахсиятининг бошқа психологик сифатларини яхши билиши ва етарлича аниқ тасаввур эта олиши керак.

Музика психологияси – психологиянинг шундай соҳасики, у музикавий эшитиш қобилияти, эшитиш сезгисининг чегаралари, музиканинг лад, ритмикасини ҳис қилиш, созни тактил (пайпаслаб) сезиш, музиканинг англаниши, ёдда сақланиши, ижро этилиши ва ундан баҳраманд бўлиш каби масалани қамраб олади. Музикавий истеъдод ва заковат ўзининг чексиз имкониятлари, мўъжизавий табиати билан бизни ҳайратга солади ва мафтун этади.

Музика психологияси соҳасидаги асосий тадқиқотлар қуйидагилардан иборат: Теплов Б.М. «Психология музыкальных способностей» («Музикавий қобилиятлар психологияси»), Назайкинский Е.В. «О психологии музыкального восприятия» («Музикавий идрок психологияси ҳақида») ва бошқалар. Болалардаги музика психологияси ҳақида – Белобородова В.К., Ригина Г.С., Алиев Ю.Б. «Музыкальное восприятие школьников» («Мактаб ўқувчиларининг музикавий идроки»), Ринкявичус З.А. «Воспринимают ли дети полифонию?» («Болалар полифонияни идрок этишадими?») ва бошқалар.

Мазкур муаллифлар И.М.Сеченовнинг «Рефлексы головного мозга» («Бош мия рефлекслари»), Г.Гельмгольцнинг «Учение о слуховых ощущениях как физиологическая основа теории музыки» (Музыка назариясининг физиологик асоси бўлган эшитиш сезгиси ҳақидаги таълимот»), С.М.Майкапарнинг «Музыкальный слух, его значение, природа, особенности и методика правильного развития» («Муסיкий эшитиш қобилияти, унинг аҳамияти, табиати, хусусиятлари, тўғри ривожлантириш ва методикаси»), Э.Жак-Далькрознинг «Ритм: его воспитательное значение для жизни и для искусства» («Ритм: унинг ҳаёт ва санъат учун тарбиявий аҳамияти»), Н.А.Гарбузовнинг «Зонная природа музыкального слуха» («Муסיкий эшитиш қобилиятининг зонавий табиати») каби йирик психофизиологик, акустик ва педагогик тадқиқотларга суянишган.

Ўрта асрлардаёқ Шарқнинг буюк мутафаккирлари муסיкий психология, муסיқанинг қалбга, кайфиятга ва инсон организмига таъсири масалаларини ўрганишган: Форобийнинг «Муסיқа ҳақида катта китоб»и ва бошқа асарлари, Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Донишнома» каби асарларининг муסיқа ҳақидаги бўлимлари, Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи муסיқа» китоби шулар қаторида туради.

Муסיқа психологияси ҳақидаги янада қадимийроқ таълимотлар Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой олимлари, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да баён этилган. Пифагорнинг *эвритмия*, Арастуниг *мимесис* таълимотлари шулар жумласидан. Улар муסיқанинг инсон онги, шахсига, умуман, жамият ривожига улкан таъсирини таъкидлаб ўтишган. Масалан, Афлотун «давлатнинг қудрати унда қандай муסיқа, қайси лад ва кай ритмда янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ», – деган.

Буюк муסיқачилар – Моцарт, Бетховен, Шопен, Лист, Чайковский, Римский-Корсаков, Рахманинов, Скрябин, Тосканини, Чурлёнис, ўзбек муסיқа ижрочилари, бастакор ва композиторлари – Юнус Ражабий, Мутал Бурхонов, Мирсодиқ Тожиев ва бошқалар ҳаётидаги мисоллар муסיқа яратиш, ижро этиш ва тинглаш жараёнида инсон қандай психологик хусусиятларга, хайратланарли имкониятларга эгаллигини яққол кўрсатади. Мана, айрим мисоллар: Юнус Ражабий ўзининг кўп жилдлик «Ўзбек халқ муסיқаси», «Шашмақом» тўпламларидаги деярли барча кўшиқ ва куйларни ёддан ёзган. Мирсодиқ Тожиев ажойиб симфониячи композитор бўлган, шу билан бир қаторда у халқ куйлари ва мумтоз муסיқани пухта ўзлаштирган эди. У жуда кўп мақом йўлларини ёддан билган. Ҳатто кекса хонандалар ҳам унга бирор мақомни айтиб беришини илтимос қилиб мурожаат қилар ва кейинчалик уларни ўз концерт дастурларига киритишар эди.

Буюк қомусий олим, муסיқа чолғуларини моҳирлик билан чалган Абу Наср Форобий ўз ижроси билан кишиларни қувонтириш ёки қайғуга

солиш, овутиш ёки чуқур ўй суришга мажбур қилиш, хурсанд қилиш, хайратга солиш ва ҳатто ухлатиб қўйишнинг уддасидан чиқа олганлиги ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар бизгача етиб келган. Бу нима? Ижрочининг маҳоратими? Шахсият хусусиятларининг таъсирими? Муסיқанинг инсон онгига таъсирими? Профессионал муסיқачи, мутахассис муסיқа психологиясидаги бу ва бошқа жиҳатларни етарли даражада ўзлаштириб олиши керак. Бу муסיқий товушлар, образлар, тафаккур ва ҳиссиётлар дунёси киши руҳини кўтаради, уни борлиқ билан бирлаштиради, гоҳида тасаввурлар, хаёлларнинг тушунтириб бўлмас имкониятларини очади, дунёнинг чексиз кенгликларига олиб кетади, ҳақиқатга, идеалга яқинлаштиради, ҳаётимизни маъноли, мазмунли, маънавий бой ва гўзал қилади.

Муסיқа психологияси фанини ўзлаштиришни умумий психологиядаги атама ва тушунчаларни билиб олишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Мазкур таянч билимлар тармоқ соҳа ҳисобланадиган ва айни пайтда мустақил фан – муסיқа психологиясини ўрганишда бошланғич нуқта ва ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир бўлими ва катта мавзуларини кўриб чиққач, уларни мустаҳкам ва чуқур ўзлаштириш учун семинар машғулотилари ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ў БЎЛИМ

МУСИҚА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Умумпсихологик атама ва тушунчалар

- *Психология* – психиканинг ривожланиши ва фаолият қонунлари ҳақидаги фан.
 - «*Психология*» (юн.) – «психо», «псюхе» (руҳ, жон); «логия», «логос» (таълимот, фан).
 - Психика омиллари, қонуниятлари, механизмлари психология фани *предмети* ҳисобланади.
 - *Психология тармоқлари* – умумий психология, ёш психологияси, педагогик, ижод, санъат, муסיқа психологияси, психофизика, психофизиология, парапсихология, психиатрия, ижтимоий, этник, тиббий, космик психология ва бошқалар.
 - *Асосий психологик атамалар* – руҳ, онг, сезги, диққат, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, ирода, ҳис, туйғу, темперамент, характер, қобилият.
 - *Руҳ, жон, қалб* – инсон ички дунёсини ифодаловчи тушунчалар.
 - *Онг* – воқеликнинг инсон тафаккуридаги аксининг энг юқори даражаси.
 - *Сезги* – нарса ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали ҳис қилишнинг оддий психик жараёни.
 - *Диққат* – маълум пайтда фаолиятнинг бир нарсага қаратилганлиги.
 - *Идрок* – нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали тафаккурда акс этиши.
 - *Хотира* – эслаб қолиш, тўпланган тажрибанинг сақланиши ва тикланиши.
 - *Тафаккур* – билиш жараёнининг объектив борлиқ, воқеликнинг инсон онгида акс этишининг олий даражаси.
 - *Хаёл ёки фантазия* – янгилик яратувчи кишининг руҳий, ижодий фаолияти унсури.
 - *Ирода* – мақсадга эришиш йўлида қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолият.
 - *Ҳис-туйғулар* – бўлаётган ҳодисалар туфайли туъилган ички кечинмалар.
 - *Темперамент* – психиканинг динамик намоён бўлишига боълиқ индивидуал хусусият.
 - *Характер* – (хос хусусият, белги) – бирор нарсага нисбатан муносабат жараёнида намоён бўлувчи индивидуал хусусият.

- *Қобилият* – маълум бир фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив омили ҳисобланувчи шахснинг индивидуал хусусияти.

Муסיқа психологияси тарихидан

Муסיқа психологияси жуда қадим даврлардан буён ўрганиб келинмоқда. Муסיқа психологияси бўйича илк изланишлар куртакларини антик давр файласуфлари асарларида кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, Пифагор (эр. авв. VI аср) асарларида, унинг *эвритмия* таълимотида шу ҳақда гап боради. Эвритмия деганда олим инсоннинг барча ҳаётий ҳодисалардан муносиб ритм, усул топа олиш қобилиятини тушунган. Ижтимоий ҳаётни ладга, оркестрга қиёслаш Пифагордан қолган. Бу оркестрда ҳар бир ижрочи маълум бир чол\уни чалганидек, ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз вазифаси бор. Пифагор куй ва ритм инсон қалбига муайян таъсир кўрсатишини ҳам аниқлаган. Умидсизлик, рухий изтироблар, асабийлашиш, ғазаб ва бошқа нохушликларга қарши муסיқа фарқ қилинган.

Бошқа бир юнон файласуфи Платоннинг (эр. авв. V аср) фикрича, давлатнинг куч-қудрати унда қандай муסיқа, қайси оҳанг ва қай ритмда янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Платон ва унинг издошлари давлат учун инсонни юксакликка кўтаришга ёрдам берувчи муסיқа керак деб ҳисоблаганлар.

Аристотель (эр. авв. IV аср) ҳам муסיқани индивиднинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлашиш воситаси деб ҳисоблаган. Аристотель инсоннинг ички олами ва унга санъат ёрдамида таъсир ўтказиш усуллари очиқ берган *мимесис* таълимотини ишлаб чиқди. Мимесис назариясида «*катарсис*» концепцияси ишлаб чиқилган. Унга кўра, қадим юнон трагедиялари томошабин кўнглини хасталик жазаваларидан тозаллаган. Чуқур кечинмалар жараёнида инсон руҳан покланади, унинг қалби ўзининг хусусийлиги, ягоналигидан умумийликка кўтарилади.

Аристотель психикани ўзгартирадиган муסיқий ладларни батафсил тасвирлаб берган. Бир ладдаги муסיқа кишини раҳмдил ва мулойим қилиб кўяди, бошқа бири эса асабийлашиш ёки ҳаяжонланишга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, дорий, фригий, лидий ладларидаги муסיқа кишининг руҳи ва соғлиғига ижобий таъсир кўрсатган, бошқа ладларда ёзилган муסיқани эса ёш авлод қулоғига етказмаслик тавсия этилган. Шундай тавсиялар муסיқа чолғулари бўйича ҳам ишлаб чиқилган.

Қадимги юнонлар саводсиз одамни «ахареутос» дейишган, бу куйлаш, рақс тушиш, чолғу чалишни, демакки, «хорей»да иштирок этишга яроқсиз бўлган одамни англатган. +ақдимги Юнонистон шаҳридаги аҳолини яхлит бирлаштирувчи муסיқий–хореографик ҳаракат «хорей» деб номланган.

Демокрит, Платон каби антик давр муаллифларининг кўпчилиги мусиканинг инсон руҳий ҳолатига таъсир қилиши ҳақида кўплаб далиллар келтирган: Одиссея ҳақидаги эпосда мусиқа таъсирида қонталаш яранинг битиб кетиши тасвирланган, ҳаётда жуда қаҳрли бўлган Спарта ҳукмдори Ликург ўз қўшинлари учун мусиқа яратган.

Қадимги Хитойда мусиқа тартиб ва цивилизация рамзи ҳисобланган, у тарбиянинг энг муҳим воситаси ҳисобланган ва ўрганилиши шарт бўлган фанлар қаторига киритилган. Маълумки, Конфуцийнинг ўзи (эр. авв. VI аср) цин деган мусиқа чолғусида чала олган.

Ҳиндистонда қадимги шифокорлар мусикадан даволаш воситаси сифатида фойдаланишган. (Қаранг: Петрушин В.И. «Музыкальная психология» М., 1997, с.10).

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда мусиқа психологияси Форобий, Ибн Сино, Жомий, Мароғий, Кавкабий каби буюк мутаффақирлар ижодида ўз ривожини топди. Масалан, Форобий (873-950) «Мусиқа ҳақида катта китоб»ида мусиканинг инсон психологияси ва руҳий оламидаги улкан аҳамияти ҳақида ёзган. Мусиқа кишиларни хурсанд қилиши, қувонтириши, тинчлантириши, ўйлантириб қўйиши, хотиржамлик бахш этиши, сергаклантириши ва бир вақтнинг ўзида ухлатиб қўйиши ҳам мумкин.

Ибн Сино (980-1037) мусиканинг руҳ билан биргаликда танага ҳам шифобахш таъсир кўрсатиши ҳақида айтиб ўтган. У мусикани ҳам физиологик, ҳам психологик нуқтаи назардан ўрганган. Абдурахмон Жомий (1414-1492) «Рисолаи мусиқа»сида, шунингдек, интервал оралиқларининг ҳис этилиши, уларнинг мелодик ва гармоник тузилишлари консонанс (ёқимли) ва диссонанс (ёқимсиз) бўлишлари ҳақида фикр юритган.

Ўрта асрларда Ғарбда бу соҳани Боэций, Гвидо Аретинский, Царлино (XVII-XVIII асрлар) каби назариётчи мусикачилар ҳамда Кунау, Кирхер, Маттесон ва бошқа мусикачи файласуфлар тараққий эттирди.

Умуман олганда, илмий мусиқа психологияси немис табиатшуноси Герман Гельмгольцнинг (1821-1894) «Учение о слуховых ощущениях как физиологическая основа теории музыки» асаридан бошланган. Гелмгольц эшитиш резонанси назариясини ишлаб чиқди. Унга кўра, эшитиш сезгилари ички эшитиш органларининг ташқи таъсирга жавобан акс-садо бериши туфайли юзага келади.

Мусиқа психологиясининг физиологик асослари физиолог-олимлар И.М.Сеченовнинг (1829-1905) «Рефлексы головного мозга» («Бош мия рефлекслари») ва И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти, иккинчи сигнал системаси ҳақидаги асарларида баён қилинган.

Фан тараққиётига психолог мусикашунослар Карл Штумпф (1848-1936) («О психологическом происхождении пространственных представлений»), «Психология музыкальных восприятий», Курт Закс (1881-

1959), шунингдек, уларнинг издошлари М.Майер, Г.Ревеш, В.Кёлер катта ҳисса қўшишган.

Муסיқа психологияси равнақида Э.Жак-Далькроз, Н.А.Гар-бузов, С.М.Майкапар, Б.В.Асафьев, Ю.Н.Тюлин, Б.М.Теплов, М.В.Блинова, Л.А.Мазель, Е.В.Назайкинский, В.В.Медушевский, Г.С.Тарасов, Ю.Б.Алиев, З.Рикявичус, Л.Комес ва бошқа олим-ларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Муסיқа психологияси йўналишлари ва тармоқлари

Б.В.Асафьевнинг «композитор-ижрочи-тингловчи» фикрига таяниб, муסיқа психологиясини қуйидаги асосий йўналиш ва жабҳаларга ажратиш мумкин: ижодкорлик, ижрочилик, муסיқий идрок. Шу тартибда кейинги йўналишларга тақсимлаб чиқиш мумкин: таълим, муסיқашунослик, маърифий, техник, функционал, психотерапевтик.

Муסיқий ижод психологияси. Бу, асосан, бастакор ва композиторларнинг хаёл, тасаввур, муסיқа яратиш, янги муסיқий асарни дунёга келтириш билан боғлиқ бўлган фаолиятidir. П.И.Чайковский мазкур жараён ва ўша дақиқада пайдо бўлувчи илҳом ҳақида шундай деган эди: «Илҳом келган пайтда, одатдаги ҳолатдан чиқа бошлайсан. Бир фикр бошқа бирини ҳайдамоқчи бўлади. Ноталарни ёзиб улгурмайсан. Янгидан янги муסיқий образлар пайдо бўлади, бу тушунтириб бўлмас илҳом туйғусидир». Композитор нота ёзиш билан бирга асарни тингловчига аниқ етказиб бера оладиган ижрочини ҳам яхши тасаввур қилиши керак.

Муסיқий ижрочилик психологияси. Муסיқа санъатидаги асосий фаолиятлардан бири муסיқа ижрочиличидир. Зўр ижрони тинглаб, лаззат, қувонч, илҳом туйғуларини ҳис этамиз ёки юнонлар айтганидек, «катарсис» – ички, руҳий покланиш ва янгиланиш жараёнини бошдан кечирамиз.

Ижрочи – бастакор, композитор ва тингловчини боғлаб турувчи ҳалқадир. Муסיқий ижрочилик санъатидаги фарқлар муסיқий чолғунинг ўзига хос хусусиятига, яккаҳон ва оммавий ижрочилик шакли, муסיқий асарнинг жанри ва шаклий хусусиятига, қолаверса, биринчи ўринда ижодий индивидуаллик, ижрочининг профессионал тайёргарлик ва маҳорат даражасига боғлиқ. Ижрочи учун тингловчи психологиясини тушуниш ва ҳис этиш, эстетика талаблари ва аудитория кайфиятини тўғри англаш, муаллиф фикрини моҳирлик билан етказиб бериш, аудиторияни ўз иродасига бўйсундириш, тингловчида гўзал эстетик ҳиссиётларни уйғотиш, ижодий кайфият жуда муҳимдир.

Муסיқий идрок психологияси. Муסיқани тинглаб идрок этишни ҳам худди муסיқа ёзиш ва ижро этиш каби муסיқа санъатидаги асосий фаолият тури деб ҳисоблаш лозим. Қолаверса, тингловчисиз муסיқа санъати ўз маъносини йўқотади ва яшашдан тўхтади. Муסיқа тинглаш ва

уни идрок этиш мусиқа фаолиятининг шундай турики, у болалиқдан тарбияланади ва сингдириб борилади. Айтишларича, мусиқани барча эшитади, бироқ уни ҳамма ҳам тинглаб идрок эта олмайди.

Мусиқани тинглаш жараёнида идрок этиш даражаси тингловчининг умумий маданияти ва мусиқий тайёргарлик даражасига боғлиқ, унга тўғри пропорционалдир. Мусиқий асарнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши, шунингдек, композитор ва ижрочи маҳоратидан ҳам далолат беради. Ана шу тарзда, тинглаш жараёни тингловчининг тарбияси, индивидуал қобилиятлари ва тайёргарлиги билан ажралмас ҳолат деб хулоса қилиш мумкин.

Мусиқий таълим, тарбия психологияси. Мусиқа психологиясининг мазкур тармоғи психология йўриқларига асосланади, ўқувчилар билан ишлашнинг аниқ усулларини топишга ёрдам беради. Бу тармоқ ўқувчиларнинг табиий хусусиятларини, қобилиятларини тўғри йўналтирувчи ва мусиқий қобилиятни ривожлантиришга имкон берувчи мусиқа педагогикасига узвий боғлиқдир. Мусиқани эшитиш қобилияти, мусиқий хотира, ритмни аниқлаш, текшириш каби анъанавий усуллар билан бир қаторда мусиқа психологиясида мусиқий зехн, истеъдод, қобилиятларни аниқлаш, асарни ўрганиш ва унинг устида ишлаш, концертда чиқиш учун тайёргарлик кўриш, ўқувчилар ва концерт жамоаси билан ўзаро муносабатлар ва бошқалар юзасидан тестлар ишлаб чиқилган. (Тестлар илова қилинади)

Тарихдан биламизки, кўплаб машҳур мусиқачилар устозлари олдида ўзларини қарздор деб биладилар. Касб тажрибаси тараққий этиб, бойитилиб, муттасил авлоддан-авлодга ўтиб келган. Шарқда кенг тарқалган «устоз-шогирд» мактаби бунинг ёрқин мисолидир. Унга кўра, «шогирд» нафақат ўқитувчининг сабоғини олган, балки унинг уйида яшаб, мусиқа санъати сирларини оилавий-маиший психология билан биргаликда эгаллаган. Кейин эса, ўқувчи маълум бир камолот даражасига етгач, ўзи ҳам шунга ўхшаш «устозлар мактаби»ни ташкил этган. Бу мактаб вакиллари кўпинча катта уюшма сифатида бирлашиб, оммавий-маданий тадбирлар ва бошқа байрамларни ўтказишган.

Мусиқий таълим ва тарбия психологияси икки йўналишда ўрганилади: бу махсус мусиқа таълими ва умумий мусиқий тарбия йўналишларидир.

Мусиқашунослик, мусиқа тарғиботи ва мусиқий маърифат психологияси. Мусиқашунослик ва мусиқий маърифий фаолият мусиқа санъатини ўрганиш ва тарғиб этишга йўналтирилган. Мусиқа тарихчилари, танқидчилари, назарийчилари, тарғиботчилари, мусиқа маърифати билан шуғулланувчилар мусиқа ҳақидаги фанларни ўрганишади, таҳлил қилишади, бойитишади, ривожлантиришади ҳамда клуб, истироҳат боғлари, дам олиш уйлари, радио, телевидение, матбуот ва бошқа жойларда омма ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боришади.

Мустаҳкам пойдеворга таянадиган мусиқий ижрочилик ва ижодкорлик санъатни мукаммаллаштиради. Мусиқий маърифат эса тингловчилар аудиториясини санъат, жаҳон мусиқа маданиятининг дурдоналари ва ютуқлари билан таништиради. Мусиқа психологиясида мусиқашуноснинг интеллектуал ва фикрлаш фаолиятини ҳамда бастакор, композитор, ижрочи, тингловчи ўзаро муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганишга муҳим ўрин ажратилади.

Мусиқа санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозланиши психологияси. Бу яна бир фаолият тури бўлиб, замонавий мусиқа санъатини усиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқа санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозлаш соҳасидаги мутахассислар махсус техник билимлар билан бир қаторда мусиқий билим, мусиқа чолғуларини яшаш, таъмирлаш, созлаш, мусиқа ёзиш ва эшитиш мосламалари билан ишлашда керак бўладиган билим ва кўникмалардан, мусиқавий спектакллар, концертлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар постановкаси ва режиссурасидан хабардор бўлиши керак. Замонавий мусиқа санъати техникага, янги технологияларга тобора кўпроқ таяниб бормоқда. Бу техника билан ҳам, ижодий, ижрочилик, тингловчилик фаолияти билан ҳам боғланиб кетадиган мутлақо бошқа бир психологиядир.

Функционал мусиқа психологияси. Амалий мақсадда мусиқадан фойдаланишни функционал мусиқа деб аталувчи йўналишда кўрамиз. Унинг ёрдамида кундалик маиший ҳаётга эстетика бахш этилади, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида бу турдаги мусиқа меҳнат самарадорлигини ошириш учун меҳнат жараёнининг жадал суръатларда олиб борилишини таъминлайди. Меҳнат жараёнида мусиқадан фойдаланиш иш куни давомида асабий-руҳий ҳолатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ ўз қонуниятларига эга. Бунда меҳнат жараёни учун керакли ритмни ўрнатиш, иш самарадорлигини ошириш, ортиб борадиган чарчоқни чиқариш каби ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи мусиқани танлаш катта аҳамиятга эга.

Мусиқий психотерапия психологияси. Соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мусиқа мусиқий психотерапияда ўрганилади. Бунинг учун тинглаш ва ижод қилишга мўлжалланган мусиқа тавсия этилади. Бизда мусиқа психологиясининг мазкур соҳаси деярли ўрганилмаган, негаки у ҳам медицина, ҳам мусиқа соҳалари бўйича жиддий билимга эга бўлишни тақозо этади.

Бироқ буюк мутаффакир-олим Ибн Сино тадқиқотларида бу соҳадаги изланишларни кўришимиз мумкин. Мусиқанинг инсон саломатлиги, эмоционал ҳолатига таъсир этиш имконияти, мусиқани тинглаш ва ижро этиш жараёнидаги чуқур мусиқий кечинмаларнинг ижобий таъсири - тиббиётда ҳам, мусиқада ҳам илмий изланишлар олиб бориш учун муҳим асосдир.

II БЎЛИМ

МУСИҚАЧИ ШАХСИ ВА ФАОЛИЯТИ

Муסיқачи шахси

Муаммонинг асосий масалалари:

Муסיқачи шахси деганда кимни тасаввур қиласиз?

Унинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

Яхши муסיқачи ва педагог бўлиши учун инсон ўзида қандай хусусиятларни ривожлантириши керак?

Барча буюк созандаларнинг айтишича, бу шундай шахси, у одамларга гўзаллик, умид бағишлайди, руҳни юксалтиради, инсонларни пок ва гўзалроқ қилади. Бу шахсда, биринчи навбатда, муסיқа туйғуси бўлиши керак. Психолог ва созанда Б.М.Теплов муסיқийлик ҳақида бу - муסיқанинг эмоционал ифодаланишини (шакл, жанр, куй, ритм, лад, тембр, динамика ва бошқаларни) ҳис эта олиш қобилияти, дейди.

Муסיқачи шахси ва фаолияти хусусиятлари

Санъат усталари шахсининг хусусиятларини одатда рус тилида «т» ҳарфи билан бошланадиган бешта сўзга боғлашади. Булар: «талант» – истеъдод, «творчество» – ижод, «трудолюбие» – меҳнатсеварлик, «терпение» – сабр, «требовательность» – талабчанлик. Бу ерда муסיқачининг истеъдоди катта аҳамиятга эга. Масалан, ёш Моцарт Ватиканда хор ижросидаги мураккаб асарни (Италия композитори Григорио Аллегрининг «Мизерере») атиги икки маротаба эшитиб, икки кундан сўнг ўз хотирасида сақлаб қолган ўша тўлиқ партитуранинг кўлёмасини Рим Папасига топширган.

Машҳур италян дирижёри Артуро Тосканини деярли бутун концерт репертуарини ёддан дирижёрлик қилган. Аини пайтда у ўн йил аввал ёдлаган асарини ҳам эсда сақлаган. Ференц Лист мураккаб асарларни концертга аравада кетаётиб ёдлай олган. Бу мисолларнинг барчаси шахсининг муסיқий хотира деб аталувчи психологик хусусиятига боғлиқ.

Катта созанданинг шахси доимо кўпқиррали. Бунга фанни ҳам, санъатни ҳам бирдек тушуна оладиган Ўрта Шарқнинг қомусий олимлари яққол мисолдир. Масалан, муסיқа санъатида Форобий ҳам назариётчи, ҳам муסיқа чолғуларининг ажойиб ижрочиси бўлган.

Муסיқачи шахсининг серқирралиги ҳақида немис дирижёри Бруно Вальтер шундай деган: «Фақат созанда – бу ҳар доим ярим созанда».

Муסיқачининг меҳнатсеварлиги ҳақида П.И.Чайковский: «Энг кераги, аввало, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат... Мен ҳар куни эрталаб ижодга ўтириб, то бирор нарса чикмагунча ишлайвераман», деган эди.

Машхур пианиночи ва педагог М.Клементи саккиз, баъзан ўн икки ва ҳатто ўн тўрт соатлаб меҳнат қилган.

С.В.Рахманинов ёшлигида, соғлиғи жойидалигида «ҳаддан ташқари ялқовлиги билан ажралиб турганлиги»дан афсусланган, кейин эса, саломатлиги заифлашиб қолганда фақат иш ҳақида ўйлаган.

Созанда шахсининг бош мақсади ҳақида Ф.Лист ўқувчиларига шундай деган: «Агар катта муסיқачи бўлишни истасанг, унда катта одам бўлишга ҳаракат қилишинг керак бўлади».

В.И. Петрушиннинг «Музыкальная психология» (М.,1997) китоби бўйича мустақил ўрганиш учун мавзулар.

1. Муסיқачи фаолияти (38-45)
2. Созанда ҳаракатлари техникаси (45-66)
3. Ижод. Умумий ҳолатлар (67-82)
4. Бадий ижод (82-89)
5. Муסיқий ижод (89-98)
6. Созанданинг иш тартиби ва гигиенаси (98-111).

Ш БЎЛИМ

МУСИҚА САНЪАТИДА БИЛИМ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Диққат

Инсон фаолиятининг бошқа турларида бўлгани каби, муסיқа санъатида диққат инсоннинг барча сенсор (хиссий), интеллектуал (ақлий), ҳаракатга келтирувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир.

Диққат – маълум пайтда фаолиятнинг бир нарсага қаратилишидир.

Асосан икки тур: ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат мавжуд. Лекин яна бир ўзига хос турни ҳам ажратиш мумкин – у ихтиёрий диққатдан кейин келиб, узоқ муддат давом этиши билан характерланади. Бу анча тиғиз ва самарали ақлий фаолият бўлиб, барча турдаги меҳнатга юқори самарадорлик бағишлайди.

Муסיқа санъатида муסיқий фаолиятнинг барча турлари диққат билан боғлиқдир. Айниқса, оммавий ижрочиликда диққат жуда муҳим. Намойишдан аввал дирижёрнинг кўтарилган кўллари, *ауфтакт*, *яккахон ва жўрнавоз* ўртасидаги ишора ва ҳаракатлар – буларнинг ҳаммаси муסיқа терминологиясида диққат деб аталади.

Замонавий психологияда диққат таркибида унинг сифат хусусиятлари ўрганилади. Бунга диққат барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва ҳажми киради. Шунингдек, бу санокқа диққат парокандалигини, бузилишини ҳам киритиш мумкин.

Диққат – бу ўқув жараёнидаги энг муҳим таркибий бўлақлардан биридир. Барча буюк муסיқачилар фавқулодда диққат эгаси бўлган. Масалан, Моцарт кўпчилик бўлган хонада ҳамда бегона овозлар эшитилиб турганда ҳам хотиржамлик билан муסיқа ёза олган. Польшалик пианиночи ва композитор И.Гофман мақсадга мувофиқ ягона иш услуги ҳақидаги саволга: диққатни жамлаш – омад алифбосидаги биринчи ҳарф, деб жавоб берган. Рус композитори ва пианиночиси Н.Метнер бўлса: «Иш бошлашдан аввал яхшилаб диққатни жамлаш ҳамда нима ва қандай қилишни билиш зарур, шунда муסיқачи камроқ толиқади ва чарчайди», - деган эди.

И.Гофман шундай деган: «Иш тўла ақлий диққат жамлигида бажарилгандагина серунум бўлади». Бироқ «шу нарсани эсда тутиш керакки, машғулотларда миқдорий томон фақат сифат томони билан кўшилгандагина маъно касб этади».

Эътиборлилик, диққатни жамлаш қанча муддат ишлаш керак, деган саволга чек қўяди. И.Гофман ҳар ярим соатдан сўнг танаффус қилишни ва ҳеч қачон танаффуссиз бир ёки икки соат ишламасликни тавсия қилган.

Л.Баренбойм томонидан (В.И.Петрушиннинг «Музыкальная психология». М. 1997, 121-122-бетлар) мусиқачилар учун диққатни такомиллаштириш машқлари таклиф этилган эди. С.Станиславскийнинг таъкидлашича, актёр диққати, агар у ўзининг кундалик ишида иложи борича эътиборли ва интизомли бўлса, ўз профессионал ишига тушуниб ва масъулият билан ёндошса, махсус машқларсиз ҳам такомиллашиши мумкин. Шунингдек, барча мусиқачилар диққатнинг шаклланишида ўзини ташқаридан туриб эшита олиш қобилияти оят муҳим ҳисобланишини таъкидлаган. Шунинг учун ҳам мусиқачининг чалаётган нарсасини назорат қила олиши, ўзини ташқаридан эшита олиши – мусиқа санъатининг асосларидан биридир.

Мусиқачининг диққати турлича: кенг ва тор, кеч қолувчи ва илгарилаб кетувчи бўлиши мумкин. Ҳаракатларнинг автоматлашуви диққатнинг бир ерга жамланишига ёрдам беради.

СЕЗГИ

Биз ўзимизни ўраб турган оламни сезги органларимиз ва ҳис қилиш орқали биламиз ва керакли ахборотни оламиз.

Сезги – нарс ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали ҳис қилишнинг оддий психик жараёнидир.

Сезги органлари билан мувофиқ тарзда сезгининг кўриш, эшитиш, хид, таъм, тери, мушакларни ҳаракатга келтирувчи ва органик сезги турлари мавжуд. Мусиқа санъатида эшитиш, тактил (пайпаслаб), яъни қўл тегизиб ҳис этиш, ҳаракат ва ритмик сезгилар катта аҳамиятга эга. Хонандалар, дамли (пуфлама) ва торли мусиқа чолғулари созандалари учун овозга ўзига хос тўлалик ва оҳанг бўёқдорлигини таъминловчи вибрацион сезги ҳам катта аҳамиятга эга. Сезги қонуниятига уларнинг сифати, тезлиги, давомийлиги ва фазовий локализация каби хусусиятларини ҳам киритиш мумкин. Эшитиш сезгиси асосида мусиқачиларда ички эшитиш ва мусиқий эшитиш хусусиятлари ривожланади. Бизнинг анализаторларимиз мослашувчанлик қобилиятига эга, яъни кўзгатувчи таъсирга кўника олади. Узоқ муддат баланд овоздаги мусиқани тинглагандан сўнг биз «пиано» ёки «меццо-форте» овоз кучидаги нозик ўзгаришларни кам ҳис этамиз. Узоқ вақт сукунатда бўлгач эса, биз ҳатто ўрта кучдаги овозни ҳам баланд овоздек қабул қиламиз. Масалан, Шопен куйни ҳеч қачон баланд чалмаган. Лекин у пиано, пианиссимо, меццо-форте бобида тенгсиз ижрочилиги ҳисобига оҳангдорликка эришган.

Сезгиларнинг ўзаро таъсири

Сезгиларнинг ўзаро таъсири асосан икки: сенсibiliзация ва синестезия жараёнида содир бўлади. Ўзаро таъсир жараёнида бир анализатордаги сезувчанликнинг ортиб кетиши «сенсibiliзация» деб аталади. Масалан, агар балет мусиқасини радио орқали эмас, театрда эшитсак у яхшироқ ва тўлиқроқ қабул қилинади, яъни кўриш ва эшитиш анализаторларининг уйғунлашиши қабул қилиш жараёнини янада бойитади.

Синестезияга шундай сезгиларнинг ўзаро таъсири кирадики, уларда кўзғалиш таъсири остида бир анализатордан бошқа бир анализаторга хос бўлган сезги пайдо бўлади. «Нозик дид», «қичик ранг», «ширин товуш» каби иборалар бундан далолат беради. Кўриш-эшитиш синестезияси ходисаси нисбатан кўпроқ учрайдики, у рангли эшитиш феномени сифатида машҳурдир. Бундай эшитиш тури Римский-Корсаков, Скрябин, Чюрленисда бўлган.

Римский-Корсаков ҳар хил оҳанглари табиатга хос бўлган ранглар колоритида қабул қилар эди. Лея мажор лади юзасидан у шундай деган эди: «Бу ёшлик, баҳор лади – бироқ музли, тақир ерли эрта баҳор эмас, балки настарин гули гуллаган, бутун ўтлоқ гуллар билан қопланган пайтдаги баҳор. Бу тонг бироз ёришган, лекин бутун шарқ қирмизи ва олтин рангга кириб улгургандаги тонг шафагининг лади».

Мисол учун, Скрябин мусиқа амалиётида биринчи бор симфоник партитурага рангли эшитиш, нурли мусиқа (цветомузыка) билан боғлиқ бўлган махсус ранг туркумини олиб кирган. («Прометей», «Олов поэмаси», 1910).

Литва композитори Чюрленис (1875-1911) ўз рассомлик ижодини мусиқа санъати билан боғлаган. Шунинг учун ҳам ўзи чизган суратларга «Баҳор сонатаси», «Қуёш сонатаси», «Прелюдия» ва «Фуга» каби мусиқий номлар берган. Шунингдек, Ўзбекистон композитори Г.Мушель (1909-1989) ҳам ўзи чизган суратларга «Пейзаж до мажор», «Пейзаж ре мажор» ёки «Баҳорий кўшиқ», «Самарқанд ладдаги фуга» каби мусиқий номлар берган.

Обертон (кўшимча тонлар) сезгиси

Немис олими Г.Гельмгольц (1821-1894) томонидан олиб борилган тадқиқотлар («Учение о слуховых ощущениях как физиологическая основа теории музыки», Спб., 1875, «О физиологических причинах музыкальной гармонии», Спб., 1896) ягона овоз мураккаб табиатга эга эканлигини ва уни таркибий қисмларга бўлиш мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун спектрометр деб аталган мослама яратилган бўлиб, овозни уни ташкил этаётган садоларга ажратиб чиқади. Овоз спектрида кўшимча садолар гуруҳидан иборат алоҳида кўтарилувчи авжлар «форманталар» деб аталади. Овоз жилодорлиги айнан уларнинг таркибига боғлиқ.

Овоз жарангдорлиги ва улуғворлиги сезгиси унда юқори ашулачилик форманталари мавжудлигидан далолат беради. Паст овоздаги форманта эса овозга «металл» деб аталувчи ўзига хос ва юқори баҳоланувчи сифатни бахш этади. Шунингдек, паст ашулачилик формантаси ҳам мавжуд. У овозга юмшоқлик, қуюқлик, майинлик, кенглик, товланиш ҳиссини беради. Муסיқа чолғуларининг товушлари ҳам ўз бўёқларига эга. Бу эса у ёки бу асарнинг ўзига хослигини етказиб бериш учун зарурдир.

Эшитиш сезгиси

Муסיқа санъатида эшитиш сезгиси асосий ҳисобланади. Муסיқий эшитиш қобиляти – муסיқани тўла-тўқис қабул қила олиш қобилятидир. Физиологик жиҳатдан эшитиш – бу эшитиш органлари орқали товуш тебранишларини қабул қилишдир. Товушлар ташқи қулоқ орқали эшитиш нервлари (3000 та атрофида деб ҳисобланади, битта октавага 300-400 та тўғри келади) воситасида ўрта ва ички қулоқдан ўтиб, бош миядаги эшитиш анализаторларига етиб боради. Шунингдек, анализаторлар айрим муסיқа чолғуларининг чалиниши (скрипка, альт, дамли чолғулар), *ff* да овоз чиқариш ва одамнинг гапириши ва куйлаши жараёнида бош мия суягининг тебраниши орқали ҳам овоз қабул қилади.

Муסיқий эшитиш қобиляти овоз паст-баландлиги, кучи, тембри ва давомийлигини яхши илғайди. Эшитиш сезгисининг чегаралари: энг паст товушлар «до» субконтрактавагача 16 герц (1 сонияда 16 та тебраниш) атрофида тебраниш частотасига, энг юқорилари – еттинчи октаванинг «*ми бемоль*» 20000 герц (1 сонияда 20000 та тебраниш) атрофида. Мазкур чегара диапазонидан ташқаридаги товушлар (инфратовушлар – пастдаги ва ультратовушлар – юқоридаги) умуман қабул қилинмайди. Муסיқий эшитиш қобиляти паст-баландлик, куч, тембр ўзгаришларини ўрта регистрда яхшироқ илғайди. Бунда муסיқачилар 5-6 цент (бутун тоннинг 1/20 қисми атрофида: 1 цент – бутун тоннинг 1/100 қисми атрофида) ва бир децибел (товуш кучи баландлиги бирлиги) баландликдаги ўзгаришларни фарқлай оладилар.

Муסיқий эшитиш қобиляти қуйидаги турларга эга: мутлақ, нисбий ва ички эшитиш қобиляти.

Мутлақ эшитиш – муסיқий товушларнинг мутлақ баланд-лигини эталонлари (масалан, камертон) билан солиштирмаган ҳолда аниқлаш қобиляти. Лекин барча буюк муסיқачиларда ҳам бундай қобилят бўлмаган. Масалан, Вагнер, Шуман, Мейербер, Чайковский, Григ бундай иқтидорга эга эмас эди, бироқ яхши ривожланган нисбий эшитиш иқтидоридан муваффақиятли фойдаланганлар. Маълумки, Моцарт, Лист, Скрябин мутлақ эшитиш қобилятига эга бўлган. Шунингдек, созловчи эшитиш қобиляти (Б. Теплов атамаси) ҳам мавжуд. У техник фаолият

натижаси бўлиб, овоз баландлигидаги минимал (2 центгача) ўзгаришларни ҳам фарқлай олиш қобилиятидир.

Нисбий ёки интервал эшитиш – куй, интерваллар, аккордлардаги товушлар ўртасидаги товуш баландлигини сезиш, аниқлаш, ижро этиш қобилиятидир. Нисбий эшитишда одам бирор бир нота ёки аккордни аниқлаши ёки ижро этиши учун ҳеч бўлмаса битта товуш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши ва ундан бошқасини келтириб чиқариши, топиши керак. Баъзан яхши нисбий эшитишни сохта мутлақ эшитиш деб ҳам аташади. Одам ўз овози ёки камертон товушининг энг паст ёки энг баланд овозини ёдда тутди ва шунга таяниб, ўзи эшитган бошқа товушларни аниқлайди.

Ички эшитиш –мусиқанинг бутун таркибий қисмини хаёлан тасаввур қилиш (ноталарга қараб ёки хотира бўйича)қобилияти.

Психологик томондан муסיқий эшитиш қобилияти –мусиқий ахборотнинг ташқи акустик ифодаланишининг таҳлили ва синтези, унинг эмоционал баҳосини ифодалаб беришнинг ўзига хос механизмидир. Бу билан боғлиқ тарзда ритм, лад, куй, кўповозлик, тембрни ҳис этиш ва бошқа эшитиш турлари фарқ қилинади.

Муסיқий эшитиш қобилиятининг яна бир муҳим таркибий қисми умумий муסיқийлик ҳисобланади. Бу муסיқа ва муסיқий кечинмаларига эмоционал муносабатда ифодаланади.

Муסיқий эшитиш қобилияти муסיқий фаолият жараёнида ривожланиб боради. Мутлақ эшитиш қобилияти бундан мустасно, негаки уни махсус машқлар орқали такомиллаштиришнинг иложи йўқ. Билвосита йўл билан, яъни тембр ёки овознинг маълум ҳолати ва бошқалар орқали товуш баландлигини аниқлашга ёрдам берувчи «сохта» мутлақ эшитишни (Б. Теплов атамаси) ривожлантириш мумкин. Муסיқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун махсус машғулот дарси – сольфеджио ишлаб чиқилган.

Шунингдек, муסיқий эшитиш қобилиятининг *зонавий табиати* ҳам мавжуд. Бу назария Н.Гарбузов томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур назарияга кўра, товуш, тембр, лад, динамика, ритм ўзининг турли зонасига эга. Масалан, бутун тон оралиғи (б.2) 200 цент миқдорий кўрсаткичга эга бўлади. Бироқ 190 ва 210 цент ҳам б.2 бўлади, фақат бошқа зонада.

Куйни, бир овозликни ҳис этиш

Айнан куйни, бир овозликни ҳис қилиш туфайли хоҳ рояль, хоҳ карнай ёки дуторда ижро этилган куйни биз таниб оламиз. Бу қобилият интервал ва лад ҳиссини ўз ичига олади. Муסיқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш бўйича *сольфеджиолаш* жараёнида интервал ҳиссига эмас, балки лад ҳиссига кўпроқ таяниб мўлжал олишади. Лад ҳисси негизида венгриялик композитор ва педагог Золтан Кодайнинг куй

ҳиссини ривожлантириш тизими яратилган. Бу тизим «нисбий (релятив) лад сольмизацияси тизими» деб ном олган (тизимда турли белгилар ва бўғин номлари қўлланади).

Куйни, бир овозликни ҳис қилиш қобилияти кўпроқ ашулачилар, торли ва пуфлаб чалинадиган чолғу созандаларида осон ва табиий ривожланади. Фортепиано чалишни ўрганишда услубиётчилар машқ этилаётган асар куй йўлларининг вокализациясини, куйланишини ёки уларни бўрттириб чалишни тавсия этадилар.

Полифонияни ҳис этиш

Муסיқий эшитиш қобилиятининг бу тури тарбияси бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ овознинг муסיқа тўқимасидаги ҳаракатини эшита олиш қобилиятига боғлиқ. Мумтоз полифонияни эшитиш қобилияти муסיқачига жамоавий ижрода бошқа партияларни эшитишга ёрдам беради. Масалан, у пианиночига асосий куйдан ташқари бошқа барча фактура унсурларини – бас ҳаракати, жўровозни, полифоник асарда эса нафақат юқори овозлар, балки қолган барча овозларни эшитиш имконини беради.

Гармонияни ҳис этиш

Гармонияни эшитиш қобилияти - товушлар мувофиқлигига (интервал ва аккордларга) таянувчи муסיқий ҳисдир (Б. Тепловга кўра). Агар полифоник ҳис ва унинг ривожланиши муסיқани горизонтал бўйича эшитиш қобилиятига боғлиқ бўлса, гармоник сезги товушларни вертикал бўйича эшита олиш қобилиятига алоқадор бўлиб, пианиночиларда яхшироқ ривожланади. Пианиночи асарнинг туб гармоник маъносига қанча етиб борса, – дейди атоқли пианиночи Лев Оборин, – унинг ижроси шу қадар рухий чуқурлашади. Бу сўзлар бошқа барча муסיқа мутахассисларига ҳам тааллуқлидир.

Тембр-динамикани ҳис этиш

Тембр – бу товушлар бўёқдорлиги. Динамика – товуш кучи. Товуш динамикаси, яъни унинг жаранглаш кучи тўғридан-тўғри тембр билан боғланган. Ижро бўёқдорлигига муסיқа чолғусининг тембр имкониятларидан фойдалана олиш ҳисобига эришилади. Улар эса, ўз навбатида, муסיқачи-ижрочининг ўз қўлида бўлган кичик динамик градацияларга боғлиқ.

Тембр ҳисси турли муסיқа чолғуларининг жарангланишини мунтазам эшитувчи оркестр созандаларида яхши ривожланган бўлади. Симфоник оркестр ўзининг йигирмадан ортиқ турдаги муסיқа чолғулари билан биргаликда бой ранг-баранг овоз палитрасини қамраб олади.

Муסיқачининг касб малакаси кўп жиҳатдан тембр-динамик ҳис ривожланганлиги, унинг аниқ ва тиниқлигига боғлиқ бўлади.

Муסיқий-эшитиш тасаввури

Муסיқий-эшитиш тасаввури – товуш паст-баландлиги ҳаракатини эшитиш ва уни мияда гавдалантириш қобилиятидир (Б. Теплов). Ички эшитиш ва муסיқий-эшитиш тасаввури тушунчаси ташқи овозларга таянмаган ҳолда муסיқани эшитиш ва бошдан кечириш қобилияти билан боғланиб кетади. Бу қобилият муסיқий хотира ва муסיқий тасаввур негизининг асосини ташкил этади.

Метроритмикани ҳис этиш

Метроритмикани ҳис этиш – муסיқанинг вақтга боғлиқ хусусиятидир. У ижрода ва тинглашда нафақат эшитиш, балки ҳаракат табиатига ҳам эгадир.

Метроритмика ҳисси турли узунликларнинг узлуксиз кетма-кетлиги билан боғлиқ. Улар гўё бир текис ритмик ҳаракатларни нисбатан кичик импульслар билан тўлдириб туради.

Ритм ҳисси ривожлантириш жуда қийин бўлган қобилиятлардан биридир.

Ҳаракат ҳисси

Нозик, аниқ, тез ва эпчил ҳаракат қила олиш ҳам юқори баҳоланувчи қобилият ҳисобланади. Бу кучли муסיқий эшитиш қобилияти, мустаҳкам муסיқий хотира ва яхши ритм ҳиссидир.

Барча чолғуларда ижро этиш санъати бадий образ ва техник маҳорат бир бутунлигига асосланади.

Асарни ижро этишда техник мукамалликка эришиш, ҳаракат жараёнларини мустаҳкамлашнинг энг яхши усули – аста-секин, аниқ чалишни машқ қилишдир.

ИДРОК

Идрок – нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда этишидир.

Психологияда идрок предметлилик, яхлитлик, структуралилик, барқарорлик, англандан бўлиши каби ўзига хос жиҳатларга ажратилади.

Сезгида предметнинг алоҳида қисмлари, идрокда предметнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда ҳис қилинади. Масалан, муסיқий

асарни эшитиб, биз унинг куйи, ритми, тембри, гармониясини алоҳида қабул қилмаймиз, аксинча, бу мусиқани образли, умумлашган ҳолда яхлитлигича англаб, идрок этамиз.

«Мусиқа энциклопедияси»да мусиқий идрок мусиқанинг инсон туйғуларида айнан мувофиқ равишда акс этиши ва мусиқий материални шахсан идрок этиш (перцепция) ҳамда инсоннинг мусиқий ва ҳаётий тажрибалари (апперцепция), билими, эмоционал кечинмалари ва асар қийматини бирлаштиришга йўналтирилган мураккаб фаолият эканлиги кўрсатилган.

Қабул қилиш жараёнида қайси анализатор устунлик қилишига қараб, идрокни таснифлаб чиқиш мумкин. Кўриш, эшитиш, сезиш, кинестетик (фазовий, вақтга боғлиқ), ҳид ва таъм билиш идроклари фарқланади. Мусиқа санъати учун ҳид ва таъм билишдан бошқа ҳамма анализаторлар катта аҳамиятга эга. Эшитиш идроки бўлиши ўз-ўзидан шарт.

Мусиқа психологиясида ритм, тембр, лад, куй, гармония, полифония, шакл, жанр идроки масалаларини кўриб чиқиш муҳимдир. Мусиқий идрокнинг тўлақонлилиги мусиқий қобилиятнинг (мусиқий билим, кўникмалар, малакалар) ривожланганлиги, шунингдек, яшаб тарбияланаётган шарт-шароитлар даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Мусиқий идрокнинг ўзига хос хусусиятлари

Нима учун мусиқани ҳамма эшитадию, лекин ҳамма ҳам идрок эта олмайди? Нима учун европалик тингловчи Шарқ мусиқасини, шарқ тингловчиси Европа мусиқасини ҳар доим тўла тушунавермайди? Мусиқий идрокнинг тўлақонлилиги, мусиқий ифода воситаларини тушуниш имконияти, интенсивлик ва мусиқий кечинма турлари ҳар бир одамда ҳар хил бўлиб, ўз хусусиятлари, сабабига эга. Мусиқа тарихи ва амалиётдан бир неча мисол келтирамиз.

XX аср бошларида Ўзбекистонда яшаб ижод этган мусиқачи, этнограф Август Эйхгорн шаҳарлик ўзбекларнинг кўшиқлари ҳақида, жумладан, шундай деган: «Уларнинг кўшиқлари ижросини давомий эшитиш биз учун ёқимсиз, бу нарса асабимизга тегади»¹ Шарқ тингловчилари томонидан ҳам операдаги вокал ариялар, романслар ҳақида шунга ўхшаш фикрлар билдирилган. Улар бу мусиқани «қўпол ва нотабий» деб ҳисоблайдилар.

Мусиқий асарни тўғри ва тўла баҳолай олувчи ривожланган мусиқий эшитиш қобилиятига эга кишиларда бунга қарама-қарши фикрлар мавжуд. Икки жилдлик «Ўзбек халқ кўшиқлари» тўпламини йиққан мусиқашунос Е.Е.Романовскаяга назариётчи ва композитор Б.В.Асафьев шундай хат ёзган: «Ҳозирча кўшиқларни наридан-бери кўриб чиқдим, лекин бу

¹ «Музыкальная фольклористика в Узбекистане», Т., 1963, с.98.

уларнинг худди тирик гуллардай мусаффо ва хушбўйлигини ҳис этишим учун етарли бўлди. Доимо ҳали «сайқал берилмаган» асл халқ ижодига дуч келганимда менда шундай ҳиссиёт пайдо бўлади» (...). Саҳифа ортидан саҳифани ҳузур қилиб кўраман ва эшитаман, оҳанг ва нақшлар беағидан ҳаяжонга тушаман (...). Қўшиқда нафис ҳаракатлар бисёр. Мазкур бутунлай ўзига хос нафис оҳангдорлик бутун мелосда синчков «техник синкопалаш»дан юзага келса керак. Мен мелоснинг бу турини жуда ҳам ёқтираман. Афсус, тилни билмайман. Айтинг-чи, унда урғу аломати бирор оҳангда мавжудми (яъни, овоз урғуси вокализацияга боғлиқми ёки гап давомийликлар нисбатидами)? Ёхуд барча синкопалик мусиқа чолғуларидан келиб чиқадими? Ёки бу қўллар нафислиги, юз ифодалари, гавда, бутун тана, қадам ташлашнинг ўзига хослиги, оёқлар ўйини, яъни аслида рақсдан келиб чиқаётганмикин? Бундай нафис куй асосида қандай балет қилиш мумкин бўларди-ажойиб! Бу пластикада очик ҳиссиётларсиз қанча лиризм, қанча дилкаш хаёллар ва туйғулар илиқлиги бор. Билмадим, ҳаммаси шундайми ёки бу менинг тасаввурларимми-лекин менинг тирик қўшиқли ритм-куй-пластикаси ва майса, гуллар ҳамда асал каби хушбўй талаффуз ҳақидаги таассуротларим шундай (...). Сиз ўзингизнинг муваффақиятли ишингиз билан менга кўп қувонч келтирдингиз»¹.

Бошқа бир машҳур мусиқашунос, композитор, педагог Х.С.Кушнарёв доира ва ноғора усуллари жаранги ҳақида шундай дейди: «Ҳар бир усул нафақат маълум бир оҳанг, балки ўзига хос интонацияси билан ҳам тавсифланади (баландликка кўра ҳаракати билан). Усул –ритм томони олдинга ўринга олиб чиқилган ва етакчи, интонацион ҳамда муайян тус бериб турувчи куй»².

Европа мусиқасининг Шарқ тингловчиси томонидан тушунилиши ва қабул қилиниши ҳақида машҳур ўзбек шоири Фурқатнинг мисоли эътиборга молик. У 1890 йилда Тошкентдаги рус мусиқа жамияти концертида қатнашган ва бу ҳақда «Нағма ва нағмагар ва анинг чолғуси ва ул нағма таъсири хусусида» шеърини ёзади. Мазкур шеърда у фортепиано ижроси ҳақида шундай ёзади:

*Ўзимга тушиди бир кун ушбу аҳвол,
Бор экан нағма онинг оти раёл.
Эшиттим бир қиз анда баҳри ҳожот
Қилур нағма тили билан муножот.
Ҳазин овоз билан йиғлаб худога,
Карам қилар дер мени бағри адога.*

¹ Е.Е.Романовская. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. / Сост. М.С.Ковбас (Мақола ва маърузалар. Мусиқий фольклор ёзувлари / Тузувчи М.С.Ковбас). –Т., 1957, с.25-26.

² Х.С.Кушнарёвнинг 1943 йил Ўзбекистон санъатшунослик институтида қилган маърузаси. Матн сақланиб қолмаган. Ю.Коннинг «Тонкость наблюдений, глубина выводов» мақоласида иқтибос келтирилган, М., Сов. музыка, 4-сон, 1969, с.66-68.

*Мақомини қилур ҳар навъ бунёд,
Гаҳи қаттиқ фигон, гаҳ нарми фарёд.
Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,
Келтирур гоҳ наво машқин хаёла.
Менга ул нағма андоғ қилди таъсир,
Жигардин ўтди гўё тез нар тийр.
Ўшал дам бўлди ҳолотим дигар гун,
Тўлуб-тошди юрак монанди Жайхун [...].*

Муסיқий ижродаги кўповозилик ҳам Фурқат назаридан четда қолмаган. Хор ижросини тасвирлай туриб, у баланд ва паст овозлар бир пайтнинг ўзида янграшини, муסיқа чолғулари ҳақида гапирганда муסיқачилар биргаликда чолғуларда чалганда уларнинг ҳар биридан «турли хил товуш» чиқишини таъкидлаб ўтган¹. Сўнгра Фурқат ёзади:

*Тилар кўнглим тағи ул ерга етсам,
Ўшал қизнинг муножотин эшитсам,
Этиб ул нағмадан жонимга роҳат,
Замони ўлтуруб топсам фароғат.
Ки онинг нағмаси жисмимда жондек,
Юрар таъсири ҳам ранг ичра кенгдек.*

*Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб хуш,
Ки шояд наслимиз солгай дебон гўш².*

Келтирилган мисоллардан кўришимиз мумкинки, тингловчининг муסיқани қабул қилишида тафовутлар мавжуд. Бир томондан – муסיқани қабул қилмаслик, тушунмаслик, бошқа томондан эса – муסיқий идрокнинг теранлиги ва нозиклиги. Муסיқани қабул қилишдаги бу тафовутлар ҳаёт, турмуш, тарбия, муסיқий қобилиятларнинг ривожланганлиги, муסיқий эшитиш қобилияти, муסיқа санъатини тушунишга тайёрлик ва бунга бўлган хоҳиш билан боғлиқ бир қатор объектив ва субъектив сабабларга эга.

**Назайкинский Е.В. «О психологии музыкального восприятия»
(«Муסיқани идрок қилиш
психологияси ҳақида»)**

¹ Вызго Т.С. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой (Ўзбекистонда муסיқа санъатининг ривожланиши ва унинг рус муסיқаси билан алоқаси). -М.; Музыка, 1970, 70-71-бет.

² Фурқат. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. -Т., 1958. -9-10-бетлар.

Е.В.Назайкинскийнинг бу ишида муסיқий идрок муסיқашунослик, муסיқа назарияси ва эстетикаси (куй, лад, ритм, фактура, жанр, шакл, асарнинг тасвирий ва конструктив жиҳатларининг ўзаро муносабати, композиторлик ва ижрочилик воситаларининг уйғунлиги) нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бу ўринда халқ ва профессионал, мумтоз ва замонавий муסיқанинг энг яхши намуналари асосида тарбия кўрган тингловчининг бадиий-эстетик идроки асос қилиб олинган. Айнан мана шу, қатъий қилиб айтганда, муסיқий идрок ҳисобланади.

Муסיқашунослик тараққиёти тарихи гувоҳлик беришича (масалан, Г.Риман ва Э.Курт асарлари), психология маълумотларига, жумладан, муסיқий идрок психологиясига асосланиш - муסיқа қонуниятларини чуқур билиб олиш, унинг табиати ва ўзига хослигини ўзлаштириш шартларидан биридир. Бироқ турли илмий тармоқлар туташган масалаларни биладиган мутахассислар бармоқ билан санарли. Бу ерда шундай вазият юзага келганки, яқин келажакда муסיқа таълими ва муסיқа психологиясини бирлаштирувчи кўплаб тадқиқотлар пайдо бўлишини кутиш қийин. Бу йўлдаги изланишлар учун, бир томондан, муסיқачи-назарийётчилар Б.В.Асафьев, Ю.Н.Тюлин, Л.А.Мазелларнинг ишлари, иккинчи томондан, муסיқа муаммоларига мурожаат этган замонавий психология фанининг йирик намояндалари Л.С.Виготский, Б.М.Теплов, А.Н.Леонтьев-ларнинг тадқиқотлари йўналтирувчи асос бўлиб ҳисобланади.

Е.Назайкинский асарида муסיқий эшитиш қобилияти физиологик нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Бу кулоқ, марказга боровчи ва ундан келувчи нерв йўллари, бўғинлар, марказий нерв тузилмасидаги маълум бир қисмларни ўзида қамраб олувчи тизимдир. Мотор ўхшашлик ва *интериоризация* (ичга ўтиш, мотор ҳаракатларнинг қисқариб ички, психологик жиҳатларга ўтиши) назариялари, албатта, қабул қилиш қонуниятларининг ранг-баранглигини тўла қамраб ололмайди. Лекин улар қабул қилишнинг рефлекторлик концепциясини чуқурлаштиради ва бойитади, перцептив (идрок қилишга оид) вазифалар ва ҳаракатлар генезисининг энг муҳим жиҳатларини очиб беради, психик акс этишнинг фаоллигини исботлайди.

Муסיқани идрок қилишда ҳаракатларнинг роли муҳимлиги, муסיқий эшитиш қобилиятининг шаклланишида қўшиқ айтишнинг муайян таъсири ҳақида гувоҳлик берувчи далиллар муסיқа амалиётида анчадан буён маълум. Тинглаш ташқи шакллари (қўшиқ айтиш, чалиш, ритмик ҳаракатларда) «ички эшитиш» яширин ҳаракатига ўтиш ҳодисаси ҳам маълум. Улар муסיқа психологиясида ўрганилган. Бу далилларнинг барчаси идрокнинг мотор концепцияси ва интериоризация назарияси нуқтаи назаридан янгича ёритилиши мумкин.

Идрок этиш қонуниятлари бўйича изланишларда психологик йўналтириш, мақсад қилиб қўйиш назарияси катта аҳамият касб этди (Д.Н.Узнадзе ва бошқалар: «идрокни перцептив мақсад бошқаради»).

Г.Н.Кечхуашвили мусиқанинг ладга асосланиб тузилишини ўрганиш учун Узнадзе мактаби томонидан ишлаб чиқилган мақсад қўйиш психологияси ва тажрибавий методиканинг назарий аппаратини татбиқ этган. В.В.Медушевский психологик мақсад қўйиш муаммосини тингловчига нисбатан кўриб чиққан. Илгариларчи акс этиш масаласида эса Анохин, Бернштейн, Соколов, Фейгенберг, Эльконин ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Б.В.Асафьев «Музыкальная форма как процесс» («Музикий шакл-жараён сифатида») деган асарида таниб олиш психология-сини Ю.Н.Рагс ижрода мусиқачининг қабул қилишини, А.Моль – санъатшуносликда ахборот назариясини тадқиқ этган.

Ҳаётий тажрибанинг музикий идрокдаги ўрни

Мусиқанинг таъсирчанлик табиатини тўла ёки унинг алоҳида унсурларини ўрганиш бевосита музикий идрок психологиясини ва, биринчи навбатда, ассоциатив ва бошқалар учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳаётий тажриба муаммосини ўрганишга олиб келиши турган гап.

Китоб давомида қуйидагилар ёритилади:

II очерк. Музикий идрокда фазовий компонент.

III очерк. Музикий ритмнинг табиий асослари.

IV очерк. Нутқ ва мусиқада оҳанг.

V очерк. Музикий идрок генезиси.

Китобда тингловчи тажрибаси тизими сенсор, мотор-динамик, ижтимоий-коммуникатив таркибий қисмларга бўлинади, бу эса маълум маънода очерклар кетма-кетлигини таъминлаган. Музикий идрокнинг маконий қисмларини таҳлил қилишда идрокнинг сенсор томонини аниқлаш қулай бўлиб чиқди; музикий ритмнинг табиий асосларига бағишланган очеркда, табиийки, ҳаракат тажрибасининг аҳамияти ажратиб кўрсатилган, «Нутқ ва мусиқада оҳанг» мавзуси эса мусиқанинг коммуникатив (алоқа) қонуниятларини иложи борица кенг кўламда кўриб чиқиш имконини беради.

Музикий-психологик тадқиқотларнинг галдаги вазифа-ларидан бири, эҳтимол, музикий идрокнинг ранг-баранг ижти-мой муҳим шакллариини ўрганиш бўлиши керакдир (ижрочилар, бастакорлар, композиторлар, мусиқашунослар, шунингдек, бошқа санъат турлари вакиллари томонидан мусиқанинг қабул қилиниши).

ХОТИРА

Хотира – эслаб қолиш, тўпланган тажрибанинг сақланиши ва тикланишидир. Шунингдек, хотиранинг унутиш хусусиятини ҳам назарда тутиш керак. Бу жараён тўқималар ва уларнинг хоссаларининг биохимик ўзгаришлари билан бирга амалга ошади. ДНК-генетик, авлоддан-авлодга

ўтувчи хотира ташувчиси, РНК эса онтогоник, индивидуал ва ҳаётӣ хотира асоси эканлиги олимлар томонидан аниқланган¹.

Хотирани уч турга бўлиш мумкин: 1) фаолият билан боғлиқ–ҳаракат, эмоционал-образли ва оғзаки-мантиқий хотира, 2) хусусиятга кўра – ихтиёрӣ ва ихтиёрсиз, 3) вақтга кўра – қисқа муддатли, узок муддатли ва оператив хотира.

Хотира машқи муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, муסיқа санъатида баъзан турли ҳамда катта ҳажмдаги муסיқий асарларини эслаб қолишга тўғри келади.

Яхши муסיқий хотира – бу муסיқий асарнинг тезда ва узок муддатга ёдда сақланиб қолишидир.

Моцарт, Лист, Антон Рубинштейн, Рахманинов, Тосканиниларнинг муסיқий хотираси кучли бўлган. Улар асосий муסיқий адабиётларни ёд билган. Ўзбек муסיқаси намояндаларидан Юнус Ражабий «Ўзбек халқ муסיқаси», «Шашмақом» каби кўп жилдлик тўпламларини хотирасига таяниб яратган. Ҳофизлар санъати ҳам бунга мисол бўла олади. «Ҳофиз» сўзи «хотирали» деб таржима қилинади.

Маълумки, муסיқий ижрочиликда ёддан чалиш муסיқачининг ижрочилик имкониятларини кенгайтиради. Р.Шуман нота бўйича ҳар қандай эркин ижро этилган аккорд ёддан ижро этилганининг ярмича ҳам жарангламайди, деб ҳисоблаган.

Муסיқий хотиранинг асосий турлари

Муסיқий хотирани куйидаги турларга ажратиш мумкин: ҳаракат, эмоционал, кўриш, эшитиш ва мантиқий хотира. Ҳар бир муסיқачи индивидуал қобилиятларига боғлиқ ҳолда ўзи учун қулайроқ бўлган хотира турига суянади.

Муסיқашунос А.Д.Алексеевнинг ҳисоблашича, муסיқий хотира – эшитиш, ҳаракат, мантиқий, кўриш ва бошқа хотира турларини ўз ичига олган синтетик тушунча.

Педагог ва пианиночи С.И.Савшинскийнинг айтишича, «пианиночи хотираси комплекслидир – у ҳам эшитиш, ҳам кўриш ҳамда мушакли ҳаракат».

Муסיқий хотира муаммолари бўйича инглиз тадқиқотчиси Л.Маккиннон шундай ёзади: «Ёд олиш жараёнида энг камида уч хил хотира тури ҳамкорлик қилиши керак: эшитиш, тактил ва моторли. Улар билан боғланган кўриш хотираси фақат мазкур ўзига хос кuartетни у ёки бу даражада тўлдиради».

¹ ДНК – дезоксирибонуклеин, РНК – рибонуклеин кислотаси.

Ҳозирги кунга келиб мусиқий ижрочилик назариясида эшитиш ва моторли таркибий қисмларнинг бирлиги ижро хотирасининг энг ишончли шаклидир, деган нуқтаи назар ўз тасдиғини топмоқда.

Қуйидагилар мусиқий хотиранинг ривожланишида катта аҳамиятга эга: асарнинг тахминий таҳлили, асарни ўрганиш ва яхлит ижро жараёнида онгли фикрлаш. Таҳлилий ёндашувнинг муҳимлиги, асарни тушуниш унинг эслаб қолиниши учун муҳимдир.

Замонавий психологияда матнни эслаб ҳаракат қилиш уч гуруҳга бўлинади: маъновий гуруҳланиш, таянч маъноли қисмларнинг аниқланиши, мутаносиблик жараёни.

И.Гофман формуласи бўйича мусиқий асарни эслаб қолиш

Биз тавсияларимиз учун машҳур «кўраман-эшитаман-чаламан» формуласини ва И.Гофман томонидан таклиф этилган мусиқа асари устида ишлаш тамойилларини асос қилиб оламиз. Мазкур тамойиллар замирида турли иш услублари ётади:

1. Мусиқа чолғусисиз асар матни устида ишлаш,
2. Мусиқа чолғуси иштирокида асар матнини чалиш,
3. Асарни матнсиз чалиш (ёддан чалиш),
4. Мусиқа чолғуси ва нотасиз ишлаш.

Асарни ёдлаш учун хотиранинг ихтиёрий тури (А.Б.Голь-денвейзер, Л.Маккиннон, С.И.Савшинский) афзал ҳисоблана-дими ёки ихтиёрсиз турими (Г.Нейгауз, К.Игумнов, С.Рихтер, Д.Ойстрах, С.Фейнберг)?

Агар биринчи гуруҳ мусиқачилар учун С.И.Савшинскийнинг «Хотира сермахсул ишлаши учун ёдда сақлашга онгли равишда берилган йўлланма муҳим шарт бўлиб ҳисобланади» деган тамойили хос бўлса, иккинчи гуруҳ мусиқачилар учун хос бўлган нарса Г.Нейгауз сўзларида ифодаланган нуқтаи назардир: «Мен токи асарни ўрганиб олмагунимча, уни шунчаки ижро этаман. Агар ёддан ижро этиш керак бўлса, уни эслаб қолгунимча чаламан, агар ёддан ижро этиш керак бўлмаса, унда эслаб қолмасдим».

Кўплаб мусиқачиларнинг хатоларидан бири шуки, улар янги нарсани ўргана туриб, уни кўп бор такрорлаш натижасида эслаб қолишга уринишади. Ўрганишнинг бу усулида асосий юк ҳаракатчан хотирага тушади. Бироқ муааммони ҳал этишининг бу усули француз пианиночиси Маргарита Лонг тўри айтганидек «шубҳали содиқликнинг ялқовлик билан ҳал этилишидир, бунинг устига бу иш қимматбаҳо вақтнинг эговидир».

Асарни эслаб қолишда секин темпадаги ижро катта фойда беради.

Моцарт: «Ёзилган асарга бир қарашда худди одамнинг ажойиб суратига қарагандек, кетма-кет эмас, балки тўла-тўқис қалбан назар ташлай оламан», деган эди.

ТАФАККУР

Тафаккур – киши онгида борлиқнинг унинг таҳлили ва синтези билан акс этиш жараёнидир. Тафаккур ҳиссий билиш (ҳис этиш, идрок этиш) воситасида ва унинг чегараларидан чиққан ҳолда амалий фаолият асосида юзага келади. Тафаккур аниқ билимлар, далилларга суянади, таҳлил қилади, қиёслайди, умумлаштиради, хулосалар чиқаради.

Тафаккур муаммоларини илмий, фалсафий ўрганиш билан билиш назарияси – гносеология шулуланади. Тафаккурни икки фан мантиқ ва психология тадқиқ этади.

Мантиқда тафаккурнинг мантиқий шакллари ўрганилади – тушунчалар, фикрлар, хулоса чиқаришлар.

Умумий психологияда тафаккурнинг қуйидаги турлари тавсифланади: кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образли ва абстракт, мавҳум (умумий, назарий). Мустақиллик, ўзига хослик, кенглик, ихчамлик, тезлик қабилар тафаккурнинг индивидуал ўзига хос жиҳатларидир.

Муסיқий тафаккур муסיқий ҳис, муסיқий идрок асосида пайдо бўлади ва овозли, муסיқий, бадий образларга таянади.

Муסיқий тафаккур – муסיқий маданият ўзига хослиги, қонуниятларини билишнинг специфик, интеллектуал жараёни ва муסיқий санъат асарини тушунишдир.

Муסיқий тафаккурнинг ўзига хослиги муסיқий қобилиятнинг ривожланганлигига, шунингдек, инсон яшаб тарбияланаётган муסיқий муҳит шарт-шароитига боғлиқ. Шарқ ва /арб муסיқий маданиятлари орасидаги тафовутларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шарқ муסיқаси учун монодияга асосланган тафаккур: кўплаб лад кўринишлари (80 дан ортиқ), чорак тонли, нимчорак тонли, глиссандо усулларининг қўлланилиши, ритм тузилишининг бойлиги, товушларнинг нотемперациявий муносабати, тембр ва куй хилма-хиллигидан фойдаланиш билан муסיқий тафаккурни горизонтал ривожлантириш, хосдир.

Европа мусиқа маданияти учун эса гомофон-гармоник тафаккур: гармоник кетма-кетлик ҳаракати мантиқи билан боғлиқ муסיқий тафаккурни вертикал ривожлантириш хосдир.

Муסיқий тафаккур қадим замонлардан буён ўрганиб келинади. Пифагорнинг монохорд устида олиб борган тажрибалари жараёнида кашф этган муסיқий овозларнинг ўзаро муносабатлари тизими, айтиш мумкинки, муסיқий тафаккур фанининг ривожини бошлаб берди.

Тафаккур турлари. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари

Муסיқа санъатида кўргазмали-ҳаракатли тафаккурга ижрочи, педагог, маърифий ишларни олиб борувчилар фаолиятини киритиш мумкин. Кўргазмали-образли тафаккур тингловчи идрокининг хусусияти билан боғлиқ. Мавҳум (назарий, абстракт-мантикий) тафаккур бастакор, муסיқашунос фаолияти билан боғлиқ. Муסיқа санъатининг ўзига хослиги билан боғлиқ равишда, муסיкий тафаккурнинг яна бир турини ажратиб кўрсатиш мумкин – бу ижодий тафаккур.

Муסיкий тафаккурнинг барча турлари ижтимоий-тарихий хусусиятга эга, яъни маълум бир тарихий даврга тегишли. Ана шу тарзда турли даврлар услуби пайдо бўлади: қадимги полифонистлар услуби, Вена классиклари услуби, романтизм услуби, импрессионизм ва бошқа услублар. Муסיкий тафаккурнинг индивидуаллигини у ёки бу композитор, ижрочи хос бўлган муסיкий фикрларни ифодалаш усулида кузатишимиз мумкин. Ҳар бир санъаткор, у ҳатто жамият томонидан тавсия этилган йўналиш услуби доирасида ҳаракат қилса ҳам, такрорланмас ўзига хосликка эга.

Муסיкий тафаккур бевосита бадиий образнинг туғилишига боғлиқ. Замонавий муסיқа психологиясида муסיкий асардаги бадиий образга уч – моддий, рухий ва мантикий ибтидо бирлиги сифатида қаралади. Моддий ибтидога нота матни, акустик ўлчамлар, куй, гармония, метроритм, динамика, тембр, регистр, фактура; рухий ибтидога – кайфият, тасаввур, ифода, ирода, ҳиссиёт; мантикий ибтидога – шакл, жанр, мазмун киради. Композитор, ижрочи, тингловчи онгида мана шу барча муסיкий образларнинг ибтидоси бор бўлгандагина биз ҳақиқий муסיкий тафаккур ҳақида гапира оламиз.

Муסיкий фаолиятда тафаккур асосан қуйидаги жиҳатларга боғлиқ: асарнинг образ қурилиши – бўлиши мумкин бўлган ассоциациялар, кайфият ва улар ортида турган фикрларни ўйлаб кўриш; асарнинг муסיкий тўқимаси – гармоник тузилишида фикрлар ривожини, куй, ритм, фактура, динамика, агогика, шаклланиш мантигини фикрлаб кўриш; фикр ва ҳиссиётларнинг муסיқа чолғуси ёки нота қоғозидан муҳимлаштирилишининг мукамал йўллари, усуллари ва воситаларини топиш.

Кўпчилик муסיқачи-педагогларнинг фикрича, замонавий муסיқа таълимида иштирокчиларнинг профессионал ижрочилик қобилиятлари, машқи устунлик қилади, бунда эса бойитувчи ва назарий сифатларга эга билимларнинг тўпланиб бориши жуда секин кечади. Муסיкий тафаккурнинг ривожланишига фаол кўмаклашувчи муסיкий ва умумий интеллектуал дунёқарашни кенгайтириш ёш муסיқачининг доимий иши бўлиши лозим, негаки бу унинг касбий имкониятларини оширади.

Муסיкий фикрнинг ривожланиш мантиғи

Энг умумий кўринишда муסיқий фикрнинг мантиқий ривожланиши Б.В.Асафьевнинг машҳур формуласи бўйича – бошланғич импульс, ҳаракат ва яқунни ўз ичига олади. Бошланғич импульс экспозиция ёки баён деб номланган бир ёки икки мавзунинг ўтказилишида мужассам бўлади.

Баёндан сўнг муסיқий фикрнинг ривожи бошланади ва бу ўринда фойдаланиладиган оддий мисоллардан бири – қайтариш ва қиёслаш.

Ўзгартириш ва алмашиниш муסיқий фикр ривожига бошқа бир мисол бўлиб ҳисобланади.

Илгари суриш – бу қиёслашнинг шундай турики, унда ҳар бир қўшни бўлим аввалги унсур ва унга ab-bc-cd формуласи бўйича янги давом сақланиб қолади.

Кучаювчи сиқиш, қисқартириш – бу асарнинг охирида ёки давомида динамиканинг ошиши, суръатнинг тезлашуви, гармониянинг тезроқ алмашинишидир.

Компенсация (қоплаш) – асарнинг бир қисми бошқа бир қисмини характер, темп, динамикада қоплаши, тенглаш-тиришидир.

Муסיқий тафаккурни ривожлантириш

Таниқли педагог М.И.Махмутовнинг умумпедагогик концепциясига асосан иштирокчилардаги тафаккур кўникмаларини ривожлантиришдаги муаммоли вазиятлар қуйидагилар орқали юзага келиши мумкин:

- а) иштирокчиларнинг назарий изохни талаб қилувчи ҳаётий ҳодисалар, фактлар билан тўқнаш келиши;
- б) амалий ишларни ташкил этиш;
- в) иштирокчиларга шу ҳодисалар ҳақидаги аввалги ҳаётий тасавурларига қарама-қарши ҳаётий ҳодисаларнинг маълум бўлиши;
- г) гипотезалар шаклланиши;
- д) иштирокчиларни мавжуд билимларни қиёслаш, солиштириш ва қарама-қарши қўйишга ундаш;
- е) иштирокчиларни янги фактларни тахминан умумлаштиришга ундаш;
- ж) тадқиқий вазифалар.

Муסיқий таълим вазифалари учун муаммоли вазиятлар қуйидагича таърифланиши мумкин:

- асардаги бош интонацион мағизни очиб бериш;
- муסיқий асарнинг услубий йўналишини эшитиш орқали аниқлаш;
- маълум бир композитор муסיқасидан парчани бошқа композиторлар асари орасидан топиш;
- ижрочилик услубининг хусусиятларини очиб бериш;
- муסיқага мос дид, ҳид, ранг, адабиёт, сурат танлаш ва бошқалар.

Ижрочилик жараёнида тафаккур кўникмаларини ривожлантириш учун куйидагилар амалга оширилиши керак:

- турли тахрирдаги ижрочилик режаларини таққослаш;
- мусиқий фикр ривожланадиган етакчи интонация ва таянч нуқталар топиш;
- асарнинг бир неча ижро режасини ишлаб чиқиш;
- асарни ҳар хил хаёлий чолғулаштириш билан ижро этиш;
- асарни ҳар хил хаёлий рангда ижро этиш.

Муסיқа яратиш жараёнида тафаккур кўникмаларини ривожлантириш учун куйидагилар амалга оширилиши керак:

- генерал-бас, бурдон, ритмо-остинато асосида гармоник йўлни мелодик ривожлантириш;
- таниш кўшиқларни ёддан эслаб ижро этиш;
- берилган эмоционал ҳолат ёки бадиий образга оид тонал ва атонал хусусиятга эга пьесаларни импровизация қилиш;
- муסיқада нутқий, оддий, хаётий диалогларни ифода этиш;
- турли тарихий даврлар, услуб, характерларга оид импровизациялар;
- айна асарнинг услубий, жанр хилма хиллиги.

ХАЁЛ, ТАСАВВУР

Хаёл, тасаввур ёки фантазия – янгилик яратувчи кишининг рухий, ижодий фаолияти натижасидир.

Хаёл, тасаввур, фантазия қобилияти инсон мия фаолиятидаги олий фикрлаш жараёнларининг энг ажойибидир. Тасаввурли образ яратиш, юзага келадиган масалаларни ҳал этиш, ҳатто керакли ахборот ва билим тўлиқлиги бўлмаса ҳам, келажакни кўра олиш имконини беради. Масаланинг бундай ҳал этилишидаги камчилик шундаки, тасаввурлар доим ҳам етарлича аниқ бўлавермайди.

Умумий психологияда тасаввурнинг куйидаги: фаол ва сушт кўринишлари ажратиб кўрсатилади.

Сушт тасаввурлар: атайин – хаёл, орзу ва бехос – туш, галлюцинация.

Фаол тасаввурлар: яратувчанлик – тасвирга мос образ яратиш ва ижодкорлик – мустақил ҳолда янги образ яратиш.

Муסיқа санъатида хаёл, тасаввур, фантазия фавқулудда муҳим аҳамиятга эга. Муסיқий ифода воситаси фаол тасаввур ва унинг яратувчилик ва ижодкорлик хусусиятлари туфайли онгимизда бадиий образлар яратилишига ёрдам беради.

Тасаввурнинг фаоллиги, унинг ижодкорлик хусусияти композитор, ижрочи фаолиятида, уларнинг янги муסיқий бадиий образлар яратишида етакчи роль ўйнайди. Хаёл, тасаввур, фантазия муסיқа санъатига шу қадар

яқинки, ҳатто айнан «фантазия», «хаёллар», «орзулар» деб аталган кўпгина муסיқий асарлар мавжуд.

Хаёл нафақат фикрлаш фаолиятида турли образлар яратади, балки инсондаги органик жараёнларга ҳам кучли таъсир этади. Масалан, ўқитувчининг ўқувчига қўйган нотўғри баҳоси ёки шифокорнинг янглиш ташхиси қандай оқибатларга олиб келишини биламиз. Биринчи ҳолатда норасолик комплекси ривожланиб кетиши, икинчисида эса бемор унда умуман бўлмаган касалликлар билан касалланиши мумкин (бошқа мисоллар: ўзини ишонтириш, аутотренинг, гипноз, идеомотор актлар, бионурлар).

Муסיқа санъатида тасаввур

Муסיқий асар айнан уч кўринишда мавжуд бўлади: композитор томонидан ёзилган нота матни, бу ёзув асосида ижрочи томонидан яратилган жонли ижро, муסיқадаги бадиий образларнинг тингловчи ҳаётий тажрибаси билан ўзаро таъсири (яратиш, ижро этиш, тинглаш – Б.В.Асафьевга кўра). Бу фаолият турларининг барчаси – муסיқа яратиш, уни ижро этиш, қабул қилишда – сифатли муסיқий фаолиятни таъминловчи тасаввур образлари албатта иштирок этади.

Муסיқий асарни ярата туриб композитор хаёлий овозларга таянади, уларни ривожлантириш мантиғини ўйлаб чиқади, муסיқа яратиш жараёнидаги ҳиссиёт ва фикрларни энг яхши ҳолатда етказиб берувчи оҳангларни танлайди.

Ижрочи композитор томонидан берилган матн билан ишлай бошлаганда унинг техник маҳорати муסיқий образни етказиб беришнинг асосий воситаси бўлиб чиқади. Унинг ёрдамида эса ижрочи керакли темп, ритм, динамика, агогика, тембрни топади. Ижро муваффақияти кўпинча ижрочи муסיқий асар образини қанчалик яхши ҳис қилиши ва тушунишига боғлиқ бўлади.

Агар тингловчининг тасаввурида муסיқа товушлари асар руҳига мос ҳаётий вазиятлар, образлар, ассоциацияларни шакллантира олса, у композитор ва ижрочи ифодаламакчи бўлган нарсани тушуна олади. Кўпинча бой ҳаётий тажрибага эга, кўп нарсани бошдан кечирган киши алоҳида муסיқий тажрибага эга бўлмаса ҳам, муסיқий тайёргарликка эга, бироқ ҳаётий тажрибаси кам одамга нисбатан муסיқага чуқурроқ муносабат билдиради.

Муסיқий тасаввурнинг ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги

Биламизки, бир ҳаётий мазмун композиторлар томонидан уларнинг индивидуаллиги, услуби ва яшаган даврига боғлиқ равишда турлича гавдалантирилади. Ер юзининг турли қитъаларида қайғу ва қувончининг

фарқи йўқ. Лекин бу туйғуларнинг муסיқадаги ифодаси кўпинча тарихий тараккиёт тамойилларига мувофиқ бўлади.

Битта муסיқий асарни тинглаган икки киши ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда уни турлича тушуниши, баҳолаши ва унда турли образларни кўриши мумкин.

Муסיқани эшитиш, ижро этиш ва яратишга оид бу хусусиятларнинг барчаси тасаввурнинг ҳосиласидир. У эса иккита одамда бир хил бўлмайди.

Муסיқий тасаввур фаолияти муסיқий эшитиш тушунчасига чамбарчас боʻлиқ. Бу тушунча тинглаш жараёнида янграётган муסיқа ҳақида бевосита таассурот берувчи муסיқий идрок асосида ривожланади. Лекин муסיқий тасаввур фаолияти ички эшитиш иши билан яқунланмаслиги керак. Б.М.Теплов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «деярли ҳеч қачон фақат эшитиш таассуротлари бўлмайди ва у кўриш, ҳаракат ва бошқа лаҳзаларни ўз ичига олиши керак».

Бироқ муסיқий образлар тилини сўзлар билан таржима қилишга уринишнинг кераги йўқ. П.И.Чайковский ўзининг Тўртинчи симфонияси ҳақида С.И.Танеевга ёзган хатида таъкидлашича, агар бу симфония сўзлар билан таърифланса, у кулги уйғотиши ва кулгули туюлиши мумкин. «Симфония, - дейди П.И.Чайковский, - сўз билан айтиб бўлмайдиган нарсани ифодалаш, лекин у кўнгилдан чиқиши ва айтилиш керак бўлиши лозим». Қолаверса, композитор муסיқани яратган шарт-шароитлар ҳам ўрганилиши керак. Асар унинг дунёни ҳис этиши ва у яшаган давр дунёқарашидир ва бу нарсалар муסיқий асар ижросидаги бадиий ғоянинг шаклланишига таъсир қилади.

Маълумки, асар дастури, яъни композитор бирор ном берган ёки махсус тушунтиришлар берган дастур нисбатан енгилроқ қабул қилинади. Бу ҳолда композитор унинг асари билан танишишда ижрочи ва тингловчи тасаввурлари қай ўзанда ҳаракат қилишини белгилаб беради. Нодастурий асарнинг дастурини топиш ғайримуסיқийдир ва муסיқага худди тасвирий санъатга ёндашгандек муносабатни билдиради. Агар, дастур мавжуд бўлса уни билиш, Б.М.Теплов тўғри таъкидлаганидек, «муסיқий дастурни тўла ва айнан қабул қилишнинг зарурий шarti»дир. Буни, айниқса, болалар билан ишлашда эътиборга олиш керак. «Агар болаларга дастурни топиш вазифаси юклатилса, бу уларни муסיқада маълум бир мазмун қандай ифодаланганлигини эшитиш ўрнига, ундан тасвирий ишоралар излашга мажбур қилади. Бу иш оқибатда муסיқага мутлақо маъносиз бўлмаганда ҳам, оғир, икки маъноли, ноаниқ тилга бўлгандек қараш пайдо қилади»¹. Профессинал муסיқачи учун, Г.Г.Нейгауз сўзлари билан айтганда, «муסיқа – тугалланган нутқ, аниқ фикр... у маълум бир имманент (ўзига хос – *P.+.*)маънога эга ва шунинг учун унинг қабул қилиниши ва

¹ Теплов Б.М. Психология музыкальных способностей, М., 1947, с.21-22.

тушунилиши учун ҳеч қандай қўшимча сўз ёки тасвирий изоҳ ва аниқлаштиришларга эҳтиёж бўлмайди... Шу боисдан ҳам ижодий тасаввури бор одам учун бутун муסיқа айна чокда дастурдир (соф, дастурсиз деб аталувчи муסיқа ҳам!) ва у ҳеч қандай дастурга муҳтож бўлмайди ҳам, чунки у бутун мазмунни охиригача ўз тилида баён этади»¹.

Муסיқий тасаввурнинг ривожланиши

Ҳозирги пайтда муסיқа таълими назарияси ва амалиётида таълимдаги «муסיқий чолғугача» бўлган даврнинг зарурлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу вақтда ўқувчиларда усиз муסיқа оламига киришнинг иложи бўлмаган бадий таассуротнинг минимум даражаси йиғилиб боради. Бу ҳақда И.Гофман шундай деган: «Ўқувчи ҳар бир нота, секвенция, ритм, гармония ва ноталарда кўрсатилган барча кўрсатмаларни тушуниб етмагунча клавиатурага интилавермаса, ўзига жуда яхши ёрдам берган бўлади, негаки чалиш – ижрочи яхши биладиган нарсани кўллар ёрдамида ифодалаб беришдир»².

Тайёрлов даврининг вазифаси нафақат муסיқий эшитиш қобилиятини, балки ўз ичига муסיқий эшитиш, ҳаракат ва кўриш тасаввурларини олган барча ижодий тасаввур турларини аниқ бир мақсад йўлида ривожлантиришдир. Болаларни тайёрлов даври машғулотларида ўқиш, шеър ёзиш, расм чизиш, нақш солиш, қўшиқларни саҳналаштириш ва драматизация ўйинлари каби бадий фаолиятнинг турли соҳаларига жалб этиш муҳимдир.

Муסיқий асар талқинининг хилма-хиллигига динамика, агогика, артикуляция, педализация каби ифодавийликнинг ижрочилик воситаларидан фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ривожланган тасаввур саҳна ҳаяжонини енгиб ўтишга ва, умуман, муסיқий ижро сифатининг яхшиланишига кўмаклашади. Л.А.Баренбойм уйда машқ қилганда ўзини концерт залида деб тасаввур қилувчи пианиночини мисол келтиради. «У хаёлан гўё аудитория олдида бутун дастур ёки алоҳида асарни ижро этишининг ўзиёқ етарли ва у нима ишончли жаранглапти, нима йўқ, тингловчи у ёки бу пьеса ижросига қандай муносабатда бўлаётганлигини билади. Ана шундай бир неча репетициядан сўнг у тўла ишонч билан саҳнага чиқишга тайёр бўлади. Саҳнага чиқиш учун тайёргарлик услубини топгунга қадар пианиночи мутлақо бошқа ҳиссиётни бошдан кечирарди: у янги дастур билан саҳнага чиқишга кўрқарди»³ Муסיқачи-ижрочи иши амалиётига актёрлик усулларининг жорий этилиши бадий ижронинг юқори даражасини эгаллашга ёрдам беради, ундаги психик жараёнларнинг мукаммаллашишига кўмаклашади.

¹ Нейгауз Г.Г. Об искусстве фортепианной игры, М., 1987, с.31-32.

² Гофман И. «Фортепианная игра: Ответы на вопросы о фортепианной игре. М., 1961, с.33.

³ Баренбойм Л.А. Вопросы фортепианной педагогики и исполнительства. М., 1969, с.64.



Ана шу тарзда, «тасаввур» мавзуси сўнгида шундай хулоса қилиш мумкинки, муסיқий тасаввур фаолияти ички эшитиш жараёнида муסיқий-эшитиш тасаввурлари соҳасидан ўтади. Биламизки, муסיқачи учун дунёни «муסיқий» англаш хосдир, у атроф-муҳитдан қанча кўп таассурот олса, онгида шунчалик кўп образлар шаклланади. Тасаввур иши «фикрлаш» ёки «бадий» тарзда бўлиши мумкин, лекин ҳар икки ҳолда ҳам композитор, ижрочи, тингловчи кундалик ҳаётдан фарқланувчи бошқа дунёга ўтишни билиши зарур. Хаёлий вазиятлар тасаввурни ривожлантириш учун туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

IV БЎЛИМ

МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЭМОЦИОНАЛ-ИРОДАВИЙ МУҲИТИ

Туйғу – объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари.

Эмоциялар – туйғу кечинмаларининг шакли.

Туйғу кечинмаларининг турли шакллари мавжуд – эмоциялар, аффе́ктлар, кайфият, стресс ҳолати ва бошқалар. Туйғу турлари қуйидагилар: маънавий, интеллектуал ва эстетик туйғулар (баъзан уларни юксак туйғулар деб аташади).

Муסיқа санъатининг энг катта қисми инсон туйғулари ва эмоцияларидан иборат. Бу санъат туйғуга мурожаат этади. Муסיқий асар туйғуларимиз, эмоцияларимиз, кайфиятимиз, эҳтиросларимизни жунбушга келтирсагина бизни ҳаяжонга сола олади. Бунда туйғулар ёқимли, ёқимсиз, кулгили тус олиши мумкин.

Эмоция, аффе́кт, кайфият, стресс ҳолатлари шаклидаги туйғулар кечинмаси, қоидага кўра, кўпроқ ёки камроқ зоҳиран намоён бўлади. Уларга юзнинг ифода ҳаракатлари, мимика, жестикуляция, гавда ҳолати, интонация ва бошқалар киради. Шунингдек, асосий эмоционал ҳолатларни: кизиқиш, қувонч, роҳат, ҳайрат, изтироб, ғазаб, нафрат, фаҳм, кўрқув, уят ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

МУСИҚАДА ЭМОЦИЯ ВА ТУЙГУЛАР

Муסיқа воситалари орқали эмоция ва туйғуларни ифодалаш қадимги юнонларнинг этос¹ ва аффе́ктлар² ҳақидаги таълимотга бориб тақалувчи

¹ *Муסיқа этоси* (урф-одат, табиат, феъл-атвор, характер) – муסיқанинг ички тузилиши ва унинг инсонга таъсири.

² *Аффе́кт* (руҳий безовталиқ, ³аяжон) – қисқа муддатли жўшқин эмоциялар.

узоқ анъанага эга. Аристотель фикрига кўра, муסיқа ҳаракатни келтириб чиқаради, ҳар қандай ҳаракатда эса маълум бир эстетик хусусиятга эга қувват бўлади. Ўхшаш нарса ўхшаш нарсага интилади ва шунинг учун ҳам инсон айна пайтдаги характери ва кайфиятига тўғри келувчи муסיқадан ҳузур олади. Қадимги юнонлар – Аристотель, Платон, пифагорчилар учун муסיқа ташқи ҳаёт билан инсоннинг руҳий ҳолатини мувозанатга солиб туриш воситаси бўлган.

Аффектлар назарияси тарафдорлари муסיқанинг аҳамияти ва имкониятлари ҳақида гапириб, муסיқа инсоннинг барча руҳий эҳтиросларини ифодалашга қодир, деб айтишган. Муסיқачидан тингловчи қалбига кучлироқ ва ишонарлироқ таъсир этиши учун у берилаётган аффектларни бошдан кечиришни билиши талаб этиларди. XVIII аср клависинисти Филипп Эммануэль Бах шундай деб таъкидлаган: «Муסיқачининг ўзи кечинмаларга тўлиб тошган бўлсагина тингловчи юрагига таъсир қила олади. Унинг ўзи тингловчига етказмоқчи бўлган аффект ҳолатида бўлиши керак...».

Аффектлар тадқиқотчилари тингловчиларда у ёки бу эмоцияни уйғотиш учун қай вазиятда у ёки бу муסיқий ифода воситаларидан фойдаланиш кераклигини аниқлашган. Масалан: А.Жомий, Рамо, К.Закс, К.Штумпф – консонанс ва диссонанс, Кванц - асарнинг тонал режаси, интервал режаси, консонанс ва диссонанс, темп ва характери ҳақида фикр юритган.

Аффектлар назарияси нуқтаи назаридан муסיқий ифода қонуниятларини таҳлил этиб, инглиз тадқиқотчиси Ж. Хэррис шуни таъкидлайдики, муסיқа ифодалаётган эмоция ҳар доим маълум бир ғоя, ўша ғоя ташиётган маълум бир кайфиятга боғлиқ. «Муסיқанинг мақсади – ғояга мос кела оладиган аффектларни уйғотишдир...». Ж. Хэррис шеърий матн муסיқий аффектга йўналиш бериб, унинг кучи ва таъсирини ошириши ҳақидаги фикрни ҳам ўртага ташлайди: «Муסיқа ва шеърият ҳеч қачон алоҳида- алоҳида ҳолда улар бирлашганда эришиладиган аффектни беролмайди».

В.И.Петрушиннинг «Музыкальная психология» (267-270 бетлар) китобида В.Г.Ражников томонидан ишлаб чиқилган ва муסיқада қўлланадиган эмоциянинг 27 (ифодаловчи сўзларнинг вариантлари) ва алоҳида белгилари келтирилади. Масалан:

1. ҚУВОНЧЛИ – байрамона, жарангдор, баланд овозли, ёрқин, тетик, ўйноқи, дадил, эпчил, қойилмақом, нурли, порлоқ, мустақил.

2. ТАНТАНАВОР – улуғвор, ғолибона, ундовчи, маҳобатли, муҳим, дабдабали, зўр, аҳамиятли, ҳашаматли, самарали, очик, равшан, қувноқ ва бошқалар.

(Ўқувчилар билан ўзингизнинг педагогик ишингизда улардан нусха кўчиришингиз ва фойдаланишингиз мумкин – *P.+.*) Эмоционал муҳит ривожини учун бундай луғатнинг зарурлиги тушунарли. Инглиз

тилшунослари Сепир ва Уорф гипотезаларига кўра, инсон фақат ўхшаш, вербал, яъни сўзли тақсимот ва атамага эга бўлган объект ва туйғуларнигина аниқ ҳис қилиши ва бошдан кечириши мумкин. Шунинг учун вербал луғатнинг кенгайиши бир вақтнинг ўзида бошдан кечириладиган туйғулар чегараларини аниқлаштиради ва кенгайтиради.

Муסיкий асарда муסיқачининг эмоционал кечинмалар ранг-баранглигини ифодалаш имконияти унинг бу кечинмаларни ўз шахсий психик аппаратида марказлаштириш қобилиятига тўғридан-тўғри боғлиқ. Бунга ўхшаш психотехникани (К.С.Станиславский атамаси)эгаллаш муסיқачи касбий салоҳиятининг муҳим таркибий қисмидир.

ИРОДА

Психологияда *ирода* деганда кўйилган мақсадга етиш учун қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолият тушунилади.

Хотира муаммоси билан бир қаторда ирода феномени ҳам кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотади. Бу тушунарли, негаки ҳаётдаги кўплаб муваффақиятларимиз охир-оқибатда ирода ва матонат туфайли турли қийинчиликлар, ўз ожизликларимиз ва табиий камчиликларимизни енгиш натижасидир. Вольтер айтади: «Энг катта ғалаба – ўзимизнинг устимиздан қилган ғалабамиздир».

Жамият ривожига катта ҳисса қўшган фан ва санъат намояналарининг кўпчилиги, қоидага кўра, мустаҳкам ва букилмас иродага эга бўлганлар. Бу борада Бальзакнинг сўзларини келтиришимиз мумкин: «Катта иродасиз катта истеъдодлар мавжуд бўлмайди... Ирода истеъдодга нисбатан анча кўпроқ мағрурлик учун асос бўла олади ва бўлиши керак. Агар истеъдод – ривожланган табиий лаёқат бўлса, мустаҳкам ирода – бу ҳар дақиқада тийиб туриладиган ва бартараф этиладиган ҳиссиётлар, майллар, инжиқлик ва қийинчиликлар, турли мураккабликларни енгишдир»¹.

Ирода орқали инсон ўзининг ҳозирча мавжуд бўлмаган, лекин ирода ҳаракатлари натижасида рўй бериши керак бўлган келажагини таъминлайди. «Мен бугун муסיқа чолғусида олти соат дарс қилмаслигим мумкин ва эртага ҳам машғулотларимни қолдира олишим мумкин, лекин агар ҳақиқий муסיқачи бўлишини истасам, унда мен чарчоққа, касаллик ва бошқа чалғитувчи омилларга қарамасдан кунт билан шуғулланаман», дейди иродали киши.

Қарор қабул қилиш ва ижро этиш ирода жараёнининг муҳим таркибий қисмларидир.

¹ В мире мудрых мыслей. Вып.1.-М.,1962, с.84.

Ирода сифатлари, унинг фавкулудда намоён бўлишининг индивидуал хусусиятларига ирода кучи ёки ирода сустлигини киритиш мумкин.

Оптимал концерт ҳолати

Концертда муваффақиятли чиқиш ёки имтиҳонда яхши чалиб бериш учун муסיқачи оптимал концерт тайёргарлик ҳолатида бўлиши керак. Оптимал концерт ҳолати ўзининг психологик ўлчамлари билан спортчилардаги оптимал курашиш деб аталувчи ҳолатга мос тушади. Шунинг учун бундай ҳолатни спортдагидек уч – жисмоний, ҳиссий ва ақлий ўлчамлар бўйича кўриб чиқиш мантиқан тўғри бўлади.

Ўзини жисмонан яхши ҳис қилган, тўла соғломлик ҳисси пайдо бўлган пайтда тана кучлидек туюлади. Муסיқачининг жисмоний тайёргарлиги югуриш, сузиш, футбол каби спорт турларини ўз ичига олиши мумкин. Қўл, елка соҳасига зўр бериш билан боғлиқ машқлар тавсия этилмайди, негаки гимнастика ёки оғир атлетика каби спорт турларида эгилувчи мушакларга ҳаддан ташқари зўр тушиши панжа, елка, кўкрак мушакларида мушак сиқилишини юзага келтириши мумкин.

Сир эмаски, кўпчилик машҳур ижрочилар ўзини жисмонан ёмон ҳис этса ҳам сахнага чиқа олганлар ва шунда ҳам жуда яхши ижро этишган. Бундай куч ва имконият Рахманинов, Гилельс, Караянларда бўлганлигини замондошлари таъкидлашган. Бундан ташқари, сахнага чиқа туриб, бу ижрочилар ўзини жисмоний тарафдан яхши ҳис эта бошлаганлар. Концерт стресси организмнинг ҳимоя кучларини фаоллаштирган ва муסיқачида касаллик ҳисси йўқолган. Имтиҳон ва эшитиб кўриш танловларидан ўтувчи жуда кўп ёш ижрочилар учун жисмоний тетикликни сақлаб туриш касбий маҳоратни ошришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзини яхши ҳис этиш ва ижро аппаратининг тайёрлиги натижасида муסיқачиларда клавиатура, камон, чолғу пардаси, мундштукни алоҳида ҳис этиш билан сифатланувчи қўл, панжа ва бармоқларда ўзига хос жисмоний ҳис пайдо бўлади. Пианиночилар «енгил» бармоқлар ҳақида, скрипкачилар «учар» қўллар ҳақида, пуфлаб чалувчилар «итоатгўй» амбушюр (лаблар, тилнинг қўйилиши) ҳақида гапиришади. Сахнага чиқишдан аввал бу ҳиссиётни юзага келтириш имкониятига эга бўлиш учун эслаб қолиш, ёзиб олиш, қайтариш тавсия этилади.

Оптимал концерт ҳолатини эгаллаш усуллари

Сахнага чиқишдан олдин жисмоний тайёргарлик билан бир қаторда ақлий ва эмоционал тайёргарликка эга бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оммавий чиқиш қилиш вазиятига психологик мослашишни икки асосий босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – ижрочининг аутоген ҳолатига

ўтиши ва мушаклар бўшашиши. Бу ҳолатда инсондаги ишонтириш ва ўз-ўзини ишонтириш қобилияти жуда ошиб кетади. Иккинчи босқичда сахнага чиқишнинг образли тасвири, хаёлий аудитория олдида чалиш, сошлаш, роль тайёргарлиги ишлаб чиқилади.

Ижрога чуқур берилиш К.С.Станиславский актёрларга тавсия этган кичик диққат доирасини пайдо қилади - сахнада кучли ҳаяжонга лаёқатли бўлишга олиб келади. Сахнада сен ва мусиқадан бошқа ҳеч ким йўқ деб тасаввур қилиш, фақат товушлар табиатига эътиборни жамлашнинг ўзи мусиқачини санъат фидойиси бўлишига олиб келувчи объектив-марказлашув муносабатларининг ўзидир.

«Икки хил артист бор. Бири ҳақиқатдан ҳам тўла намоён бўлиш учун бошиданоқ тингловчининг илтифоти, марҳамати, шафқати, маъқуллашига муҳтож бўлади; бусиз улар сув қуйилмаган гуллардек қуриб, қовжираб қоладилар: бўғиқ, қуруқ, қобилиятсиздек туюладиган даражада ёмон чалишади. Шопен, Скрябин, Софроницкийлар шундай бўлган. Бошқаларга эса бундай илиқ муҳит сира шарт эмас... Улар янада гуркираб кетадилар, курашга киришадилар ва ғалаба қозонадилар. Лист, Шаляпинлар шундай эди»¹.

Қатъийлик ва тиришқоқлик, мустақиллик ва ташаббускорлик, сабр ва ўзини тута билиш, ботирлик ва дадиллик – бу ирода хатти-ҳаракатининг белгилари мусиқий фаолиятда турлича амалга ошади. Кераксиз импульсларни тўхтатишнинг уддасидан чиқиш ва керакли бўлиб ҳисобланганларини кучайтириш ирода хатти-ҳаракатининг моҳиятидир.

Оптималь концерт ҳолатига эришиш учун аутоген берилиш, муваффақият билан иш олиб бораётган ижрочи образига киришни ўрганиш, асар ижросига объект - марказлашган муносабатда бўлиш даркор.

V БЎЛИМ

МУСИҚА САНЪАТИДА ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ТАФОВУТЛАР

ТЕМПЕРАМЕНТ

Мусиқа санъати фақат ўзига хос бўлган кўриниш ва шаклларда, шунингдек, мусиқий-бадий жанрларда, образларда инсон фикри, туйғулари, мақсадлари, эмоциялари ва темпераментини акс эттиради.

¹ Коган Г. Работа пианиста, М., 1968, с.54.

Бундай тафовутлар мусиқий фаолиятнинг жанри, шакли, кўринишлари, мусиқий асар мазмунига боғлиқ бўлади.

Инсон руҳиятидаги динамик кўринишларнинг индивидуал хусусиятларини биз *темперамент* деб атаймиз.

Руҳий жараёнларнинг ўтиш тезлиги инсон темпераментида намоён бўлади. Темпераментлар хилма-хиллигини бу жараёнларнинг ўтиш сифати тарзида тавсифлаш мумкин.

Гиппократ (эрамиздан аввалги V аср) киши организмнинг ҳолати ундаги суюқликларнинг (қон, зардоб, сафро) ўзаро мутаносиблигига боғлиқ деб ҳисоблаган. Қисмларнинг тегишли тарздаги мутаносиблиги латин тилида *temperamentum* деб юритилган.

Турли темпераментларнинг номлари шундан келиб чиққан.

Сангвиник («санвис» – қон) – сезиларли психик фаолликка эга одам. Физиологияда нерв фаолиятининг кучли вазмин тезкор турига тўғри келади.

Флегматик («флегма» – зардоб) – хотиржам одам. Физиологияда нерв фаолиятининг кучли вазмин суст турига тўғри келади.

Холерик («холе» – сафро) – жуда серғайрат одам. Физиологияда нерв фаолиятининг кучли новазмин турига тўғри келади.

Меланхолик («мелайна холе» – қора сафро) – психологик фаоллиги паст одам. Физиологияда нерв фаолиятининг кучсиз турига тўғри келади.

Антик давр фанининг темпераментнинг органик асослари ҳақидаги маълумотлари фақат қизиқиш уй\отади, холос. Лекин темпераментнинг типологик тузилиши тўғри таснифланган ва ҳозирги вақтгача амал қилади.

Мусиқа санъатида турли темп, динамика, характернинг бирлашуви асарни ижро этиш жараёнида унга рангдорлик ва уйғунлик бахш этиб туради. Мусиқада асарни темперамент билан ижро этиш жуда муҳим, бу тингловчи идрокини фаоллаштиради. Асар хусусияти кўп ҳолда композитор ва ижрочи темпераментига, уларнинг руҳий ҳолатига боғлиқ. Ўқувчиларнинг психологик ўзига хослигини, темпераментини билиш педагогга ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, зарур мусиқий ўқув репертуарни тўғри танлаш имконини беради.

Жамоавий ижро (оркестр, хор, ансамблда) учун ўқувчиларни танлашда темпераментларнинг бир-бирига мос келиши, хилма-хиллигига эътибор бериш катта аҳамиятга эга.

ХАРАКТЕР

Характер – ўзини тутишдаги ўзига хосликлар ва бирор нарсага бўлган муносабат жараёнида намоён этилувчи шахснинг индивидуал хусусияти.

«Характер» сўзи юнон тилидан таржима қилинганда «нақш, аломат», яъни фарқловчи хусусият, белги, деган маънони билдиради.

Инсон характери (юмшоқ, кўнгилчан ёки қаттиқ, бесабр; қувноқ ёки ғамгин, дадил ёки уятчан, мурасали ёки мурасасиз; хушмуомала, хайрихоҳ ёки кўпол, бетакаллуф) ташкил этувчи индивидуал хусусиятлар биринчи навбатда иродага (масалан, қатъийлик ёки ишончсизлик, кўрқоқлик), туйғуларга (хушчақ-чақлик, ғамгинлик) ва ақлга (калтабинлик, сермулоҳазалик) тааллуқлидир.

Характернинг намоён бўлиши қатор ҳолатларда амалда иродавий, эмоционал ёки интеллектуал қисмларга бўлинмайди (масалан: шубҳачи, олижаноб, ҳимматли, кекчи ва бошқалар).

Инсон характери аксарият ҳолда серкиррадир. У одамларнинг бошқаларга, ўз-ўзига, иш, нарсаларга муносабатида намоён бўлади.

ТЕМПЕРАМЕНТ ВА ХАРАКТЕР

Агар темперамент турли ҳодисаларга муносабатда инсондаги табиий хусусиятларни намоён этса, характер инсоннинг ҳаётга муносабатида унинг ижтимоий хусусиятларини акс эттиради. Темперамент ҳақида у шиддатли, суёт бўлиши мумкин, деб айтилса, характерни қатъиятли, меҳрибон, тиришқоқ ва ҳоказо, деб таърифлашади. Темперамент ва характердаги умумий жиҳат шуки, уларнинг ҳар иккаласи инсоннинг ижтимоий қадр-қимматини билдирмайди. Мурасасиз холерик умулмаҳамиятга эга олий мақсадлар учун курашиши, юмшоқ қатъиятсиз меланхолик эса пасткаш бўлиб чиқиши мумкин.

Темпераментнинг ҳар бир турининг кучли ва ожиз томонлари мавжуд. Тарбия жараёнида темпераментнинг кучли тарафларига суяниб, ожиз тарафларини нейтраллаштириб, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган ижтимоий қийматга эга характер шакллантирилади. Ана шу тарзда характер ривожланиш ва мукамаллашиш хусусиятига эга бўлади. А.Навоий шундай деган:

*Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.*

Типик характер типик темперамент асосида ривожланади, бироқ характернинг таркибий қисми темперамент таркибий қисмига нисбатан кенгрок.

Шахсий хусусиятларнинг белги ва ўзига хос жиҳатлари ҳар хил муסיқачилар ҳаёти ва ижодида турличадир. Антон Рубенштейннинг айтишича, ижрога нисбатан муносабати ва муסיқий асарни тушуниши бир хил бўлган иккита айнан яхши, лекин турли темпераментли муסיқачилар бўлиши мумкин эмас. Темперамент ва унинг асосида ривожланувчи характер муқаррар тарзда нафақат муסיқачининг кундалик хулқ-атворида, балки унинг бутун ижодига, жумладан, муסיқа яратиши, талқин ва идрок этишига ўз таъсирини кўрсатади.

Буни Романтизм даврининг икки машхур намојандаси -Шопен ва Лист ҳаёти ва ижоди мисолида кўриб чиқамиз.

Шопен ва Лист

Шопеннинг характери интровертив (ўз-ўзига биқинган), Листники эса – экстравертив (очик) бўлган. Узоқ давом этган вақт мобайнида Шопен ва Лист яқин дўст бўлишган. Улар бир-биридан ўзларида етишмайдиган сифатларни топишган.

Замондошларининг хотирлашига кўра, Шопен жуда ҳиссиётли, ожиз ва нозик бўлган. У ўз тингловчиларини ижро нозиклиги ва шоироналиги, мусиқий чолғусининг нафис жаранги билан мафтун қиларди. Шопен мелонхолияга мойил эди, характеридаги бу хусусият унинг кўплаб асарлари – мазурка, баллада, ноктюрнларида намоён бўларди. Катта аудиторияни ёқтирмайдиган Шопен мусиқани фақат бир неча яқин дўстлари олдидагина чалиб ўзини тўла тўқис намоён қиларди. «Катта заллар мени фалажлайди», – деб тан олган эди у мактубларидан бирида.

Бир куни Шопен ва Лист бир байрамда иштирок этишади. Лист Шопеннинг ноктюрнларидан бирини чалади. Шопенга ижро ёқмайди ва у шундай дейди: «Асарни бундай чалгандан кўра, умуман ижро этмаган яхши». Шу заҳотиёқ Лист Шопеннинг зўр этюдларидан бирини ижро этади ва бу барча ташриф буюрганларни, жумладан, Шопенни ҳам мафтун этиб кўяди. «Мен концертлар беришга ярамайман, – дейди Шопен Листга, – Лекин, бу ишни сиз, сиз болайсиз. Омма илтифотини қозонмаган тақдирингизда ҳам, уни ҳайратда қолдиришга, жунбушга келтиришга, забт этишга ва ўз ортингиздан эргаштиришига сизнинг кучингиз етади»¹.

Лист замондошларини зўр ижроси билан ҳайратда қолдирган. Листнинг дўсти, таниқли немис шоири Ҳейне унинг «бармоқлари клавишлар устида ҳаддан ташқари қутуриб ҳаракат қилади» дейди. Ҳейне Листни «Атилла», яъни хун қабиласининг йўлбошчиси номи билан атар эди: «...унинг келиши ҳақидаги хабар туфайлигина клавишлар титраб кетади, қалтирайди, унинг бармоқлари остида чийиллаб юборади...», дерди у.

Бошқа бир танқидчи Лист концертлари ҳақида шундай фикр билдирган: «Концертдан сўнг у жанг майдонидаги ғолиб мисоли турар эди... енгилган фортепиано унинг ёнида писиб турарди, узилган торлар худди... енгилганлар байроғи каби салқиб ётарди, кўрқиб қолган мусиқа чолғулари узоқ бурчакларга биқиниб олишарди»². Лист пианизм ислоҳотчилигида буюк эди. Қолаверса, Ҳейне унинг ижроси ҳақида фикр

¹ Александров В., Мейлих Е. Лист, Л., 1968, с.44.

² Коган Г. Работа пианиста. М., 1963, с.137.

билдириб, у ёхуд жуда ажойиб чалади, ёхуд бўш қозондек тарақлайди дейди. «Момақалди роқ – менинг касбим», – дея тан олган Лист. Агар Лист тингловчиларни ижросининг кучи билан хайратда қолдирган бўлса, Шопен уларни нозик лиризм, бетакроп piano нюанси билан мафтун этган. Шопен шогирдларидан ижрода «қўполлик қилмай қувватли» бўлишни талаб этган. У қаттиқ товушга тоқат қила олмасди. Лист Шопен ҳақидаги китобида дейди: «У романтизмнинг кучли ва шиддатли томонини инкор этарди, у эсанкиратиб қўювчи таъсир ва бемаъни ортикчаликларга тоқат қила олмасди»¹. Лист ва Шопеннинг ҳар иккаласи ҳам буюк мусиқачилар бўлган, лекин ҳар бири ўзича буюк эди, ҳар бири ўз йўли билан бориб, дунё маданиятига ўзининг такрорланмас ҳиссасини қўшган. Шунинг учун мусиқачининг ижодий касбига темпераментнинг қайси тури кўпроқ мос келади, деган саволни бериш ноўриндир. Мусиқачи табиатан қайси темпераментга эга бўлишидан қатъий назар, унинг қўшган ҳиссаси бу темпераментга боғлиқ эмас. Мусиқа тарихида турли темпераментларга эга бўлган ижодкорлар жуда кўп бўлган.

ҚОБИЛИЯТ

Қобилият – маълум бир турдаги фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти бўлиб ҳисобланувчи шахсиятнинг индивидуал хусусиятидир. Қобилият – билим, малака ва кўникмалар эмас, балки уларга эришиш динамикасида. Қобилият фаолият усуллари ва йўллари эгаллаш тезлиги, чуқурлиги ва пухталигида аниқланади.

Қобилият – фаолият жараёнида намоён бўлувчи имкониятдир. Масалан, агар инсон мусиқий фаолият учун зарур кўникмаларни эгалламаган бўлса, унинг мусиқий қобилияти ҳақида гапириш мумкин эмас. Амалиётдан мисол келтирамиз: ўқитувчи бир синфнинг икки ўқувчисига бир асарни топширади. Бир ўқувчи бир ҳафтадаёқ бу асарни тез ва беҳато идрок этади, бошқаси эса бир ойдан сўнг ҳам ижрода хатога йўл қўяди. Бундай ҳолларда ҳар қандай педагог ютуқлардаги фарқни қобилиятлардаги тафовут ҳисобига киритади. Демак, қобилият деганда инсоннинг лозим бўлган билим, кўникмаларни эгаллашида ва уларни амалиётда самарали қўллашида ёрдам берувчи психологик хусусиятлар тушунилади.

Юқорида келтирилган назарий ҳолат ва амалий мисолларга қарамай қобилият ва унинг ривожланиш муаммоси психология ва педагогиканинг энг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. +обилият сезги анализаторлари, куч, ҳаракат ҳамда асабий, жисмоний ва ақлий жараёнлар мувофиқлашиши каби нерв системаси хусусиятларига боғлиқ бўлган

¹ Лист Ф. Шопен. М., 1956, с.266.

табиий иқтидор, истеъдод, шунингдек, ташқи ижтимоий муҳит таъсири остида ривожланади. Муסיқий таълимни бошлаш, муסיқий қобилиятни ривожлантириш ҳақида Г.Г.Нейгауз шундай деган: «+айсидир мусиқа чолғусида чалишни ўрганишдан аввал – у бола бўладими, катта ёшли одам бўладими – қандайдир мусиқани аллақачон эгаллаган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, мусиқани онгида сақлаши, кўнглига жо қилиши ва идроки билан эшитиши лозим. Талант ва буюкликнинг сири шундаки, киши онгида мусиқа у биринчи бор бармоқларини клавишага тегизиши ёки торни чертишидан анча аввал мавжуд бўлади»¹.

Қобилиятнинг энг юқори даражаси «талант» деб аталади. Талант – инсонга қайсидир мураккаб фаолиятни муваффақиятли, мустақил ва ўзига хос тарзда амалга ошириш имконини берувчи қобилият, табиий иқтидор ҳамоҳанглигидир. Талант ҳақида халқнинг ўзида «Худо берган» деган гап бор. Ўз навбатида, табиий иқтидор, қобилият, талант ҳаётий, касбий тажриба ва зўр меҳнат билан уй\унлашса маҳорат шаклланади. Агар қобилиятнинг юқори даражада намоён бўлиши «талант» деб аталса, талантнинг юқори даражада намоён бўлиши буюкликдир. Буюклик – бу инсон ижодий кучининг юксак даражада намоён бўлиши. Немис файласуфи Шопенгауэр бу ҳақда шундай дейди: «*Ҳеч ким теккиза олмаган мўлжалга теккизган мерган – талантдир, ҳеч ким кўрмаган мўлжалга теккизган мерган – буюкдир*».

Ту\ма ва ижтимоий омиллар

Қобилият масаласидаги марказий муаммо унинг ирсийлиги, туғмалигидир. Платон инсон қобилиятлари туғма эканлигини айтган ва инсон билган барча нарса унинг идеал билимлар дунёсида бўлган пайтидан хотиралар бўлиб ҳисобланади, деб тахмин қилган.

Машҳур табиатшунос Чарлз Дарвиннинг амакиваччаси Френсис Гальтон ўзининг биринчи китоби «Талантнинг туғмалиги, унинг қонуниятлари ва оқибатлари» (1869), шунингдек, бошқа китобларида таъкидлашча, буюклик ва истеъдод авлоддан авлодга берилади, ташқи муҳит омили эса бунда сезиларли роль ўйнамайди.

Машҳур поляк пианиночиси Игнаций Падеревский, аксинча, ўзининг ажойиб пианиночилик ютуқларининг сири нимада эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бера туриб айтади: «Бир фоиз талант, тўққиз фоиз омад ва 90 фоиз меҳнат».

Таниқли америкалик кашфиётчи Томас Эдисоннинг буюклик – бу 99 фоиз меҳнат ва бир фоиз илҳом деган сўзлари машҳурдир.

Америкалик психолог Артур Дженсен таъкидлашча, ҳар бир киши каттик меҳнат жараёнида ўз қобилиятларини муваффақиятли ривожлантириши мумкин. Лекин қобилиятларни фақат маълум бир

¹ Нейгауз Г.Г. О искусстве фортепианной игры, М., 1987, с.11.

чегарагача, табиат имкон бергунча ривожлантириш имконияти бор. Киши каттиқ ва фидокорона меҳнат натижасида буюк бўлиб қомайди, буюклик унга берилган табиат инъоми бўлиб ҳисобланади.

Машхур инглиз психологи Ганс Айзенк ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келган, талант муваффақияти тизимида генетик омиллар 80 фоизни ташкил этади. Нутқий қобилиятлар, хотира, тасаввур, ҳисобга олиш қобилиятлари генетик асосга эга. 20 фоизи ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ, уларга оиладаги, мактабдаги шароит, омад ва бахтли тасодифлар киради. Генетик ва ижтимоий омилларнинг бу муносабатини тажрибавий йўл билан текшириб кўриш мушкул.

Гальтон юқорида эслатилган китобида ижоднинг бир ёки бошқа тури бўйича қобилиятлар авлоддан-авлодга ўтган баъзи оилаларни мисол келтиради. Хусусан, Бах авлодларида муסיқий иқтидор илк бор 1550 йилда кузатилган ва беш авлоддан сўнггина И.С.Бах даҳосида бир мунча кучлироқ намоён бўлди. Бахлар оиласида 60 га яқин муסיқачи бўлган; уларнинг 20 га яқини машхур деб тан олинган. Моцарт аждодлари орасида 5 нафар, Гайднда эса иккита муסיқачи бўлган.

Теплов Б.М. «Муסיқий қобилиятлар психологияси» (VIII бўлим. Асосий муסיқий қобилиятлар)

Муסיқий-педагогик амалиётда асосий муסיқий қобилиятлар деганда одатда уч нарса тушунилади: муסיқий эшитиш қобилияти, ритм ҳисси ва муסיқий хотира.

Муסיқий эшитиш қобилияти иборасига одатда жуда кенг ва етарлича аниқланмаган мазмун киритилади. Аввало, муסיқий эшитиш қобилияти тушунчасини товушларнинг паст-баландлигини эшитиш ва тембрни ҳис қилиш тушунчасига ажратиш зарур. Негаки, муסיқада товушлар паст-баландлиги ва ритмик ҳаракатлар асосий маъно ташувчи бўлиб ҳисобланади. Тембрли унсур жуда муҳим, бироқ ёрдамчи аҳамиятга эга. Биз муסיқа негизини ташкил этган асосий муסיқий қобилиятлар сифатида товушлар паст-баландлигини ва ритмик ҳаракатларни идрок этиш ва яратишни тушунишимиз керак.

Муסיқий идрокнинг асосий шаклларини таҳлил эта туриб куй ва гармония идрокини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар асосида 2 та қобилият ётади: а) муסיқий эшитиш қобилиятининг перцептив ёки эмоционал қисми деб аталувчи лад ҳисси, б) муסיқий укувнинг репродуктив ёки идрок этиш қисми бўлиб ҳисобланувчи муסיқий эшитиш тасаввури қобилияти.

Таҳлил асосида уч асосий муסיқий қобилиятни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Лад ҳисси, яъни куй, товушларнинг лад вазифасини эмоционал ҳис қилиш ёки товуш паст-баландлик ҳаракатлари ифодалилигини

эмоционал ҳис қилиш қобилияти. Бу қобилиятни бошқача аташ мумкин – муסיқий эшитиш қобилиятининг эмоционал ёки перцептив қисми (компоненти).

Лад ҳисси муסיқий баландликларни, яъни тембр баландликларини ҳис этиш билан бўлинмас бутунликни ташкил этади. Лад ҳисси бевосита куйни қабул қилиш, уни англаш, интонациялар аниқлигини ҳис қилиш жараёнида намоён бўлади. У ритм ҳисси билан бир қаторда муסיқага бўлган асосий эмоционал меҳр-муносабатни ташкил қилади.

2) Эшитиш тасаввурига қобилиятли бўлиш ихтиёрий тарзда овоз баландлиги ҳаракатини акс эттирувчи эшитиш тасаввурларидан фойдаланишдир. Бу қобилиятни, бошқача қилиб, муסיқий эшитиш қобилиятининг тинглаш ёки репродуктив (ижро этиш) қисми деб аташ мумкин. У бевосита эшитиш ҳисси бўйича куйни эшитиш, куйлаш жараёнида намоён бўлади. У лад ҳисси билан биргаликда гармония ҳиссининг асосини ташкил этади. Бу қобилият муסיқий хотира ва муסיқий тасаввурнинг асосий ядросидир.

3) Муסיқий-ритмик ҳис, яъни мусиқани фаол (ҳаракатли) бошдан кечириш, муסיқий ритм ифодалилигини эмоционал ҳис этиш ва уни аниқ ижро этиш қобилияти.

Муסיқий фаолият учун зарур бўлган қобилиятлар мажмуаси, албатта, учта қобилият билан яқунланмайди. Лекин улар муסיқийликнинг асосий негизини ташкил этади.

Муסיқийликнинг асосий белгиси – маълум бир мазмун ифодасини ҳис эта олишдир. Мусиқада товушларнинг паст-баландлиги ва ритмик ҳаракатлар асосий мазмун ташувчи бўлиб ҳисобланади. Товушлар паст-баландлигини ҳис этиш ва ритмик ҳаракатларнинг ифодали мазмунини бошдан кечириш асосида санаб ўтилган уч қобилият ётади.

Барча тадқиқотчиларнинг яқдил фикрига кўра, муסיқий қобилият бошқа ҳар қандай қобилиятдан эртароқ пайдо бўла бошлаши мумкин. Асосли маълумотлар буни тўла тасдиқлайди: алоҳида вазиятларда ҳар уч муסיқий қобилиятнинг илк бор намоён бўлиши ҳаётнинг биринчи йилидаёқ кузатилади. Уч ёшда куй эшитиш ва ритм ҳиссиёти етарлича баланд ривожланишини кузатиш мумкин.

Муסיқий қобилиятнинг эрта намоён бўлиши, шубҳасиз, яхши муסיқий иқтидор кўрсаткичларидан биридир. Аммо эрта намоён бўлмасликни муסיқий қобилиятнинг сустлиги ёки йўқлигининг қайсидир даражадаги кўрсаткичи, деб ҳисоблаш ҳеч ҳам мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда болаларда муסיқий қобилиятнинг турлича ривожланиши қандай сабабларга асосланиши ҳақидаги саволга тугал бир жавоб бериш қийин. Бу сабаблар, шубҳасиз, жуда хилма-хил ва бола шахсиятининг турли тарафлари ҳамда унинг тарбияланишининг бутун тарихига боғлиқ.

VI БЎЛИМ

ҚОБИЛИЯТНИ АНИҚЛАШ. ТЕСТЛАР

Қобилиятнинг намоён бўлиши ва унинг тести

Кўпчилик ёш муסיқачилар учун ихтисослашиш жуда муҳим ҳисобланади. Муסיқачи томонидан танланаётган мутахассислик унинг темпераменти ва характери психодинамик хусусиятларига мос келиши керак. Бир фаолият тури учун афзал темперамент сифатлари бошқаси учун фойдасиз бўлиб чиқиши мумкин. Муסיқачининг у ёки бу мутахассисликни танлашига мутлақ муסיқий қобилият эмас, аксинча нейротизм, интроверсия ва экстровеерсия каби психологик кўрсаткич, бош миянинг ўнг ёки чап ярим шари устунлиги туртки бериши мумкин. Муסיқа ўқитувчиси, концерт ижрочиси, хор ёки оркестр артисти, композитор, дирижёр, муסיқашунос, назарийчи каби муסיқа йўналиши мутахассислари турли психологик сифатларни талаб этади. Лекин бунга, афсуски, етарлича эътибор берилмайди.

Ўз темпераменти хусусиятлари ва шахсиятини тушуниши учун муסיқачиларга махсус психологик тестлар ва сўровномалар ёрдам бериши мумкин. Айзенк, Кеттел, Лютер, Леонгард, Тэйлор тестлари ва ҳажман у қадар катта бўлмаган содда тестлар ёш муסיқачининг касб нуқтаи назаридан бир қарорга келиши муаммосини енгиллаштириб, ижтимоий ўрнини топишга ёрдам беради.

Айзенк томонидан тавсия этилган тестлар (қаранг, тестлар) шахсиятда нейротизм даражаси ва экстровеерсия–интроверсия омилларининг намоён бўлишини ўрганишга қаратилган. Нейротизм даражаси юқори бўлган инсонлар жиззаки, асабий, ҳиссиётли, бетоқат ва хавотирчан бўлади. Нейротизм даражаси паст одамлар мувозанати, оғир-босиқлиги, ўзига юқори баҳо бериши билан ажралиб туради.

Экстравертлар келишувчанлиги, ташқи олам билан муомала қилишга мойиллиги, ижтимоий муҳитга осон мослашувчанлиги билан фарқланади. Лекин улар ортикча қизиққон, ҳиссиётларда юзаки ва ўйланмаган хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил бўлишлари мумкин. Интровертлар ўз шахсий дунёсига ўралиб қолган, писмиқ, ёлғизликка мойил бўлади. Улар келишувчан эмас, аммо қатъиятли, ҳиссиётли ва теран фикрлайди.

Интроверсия билан юксак нейротизм уй\унлашганларга фаол мулоқот қилиш билан боғлиқ мутахассисликлар тавсия этилмайди. Уларга назарий муסיқашунослик, композиторлик ижоди, муסיқий муҳаррирлик каби тадқиқот ишлари мос келади.

Экстровеерсия билан юксак даражадаги нейротизм уй\унлашган инсонга ўз талабини интенсив мулоқот жараёнида қондира оладиган

мутахассисликлар тўғри келади. Бу – хор, оркестр, ансамблда ишлаш. Агар нейротизм даражаси у қадар юқори бўлмаса педагогик фаолият мақбул.

Паст даражадаги нейротизмга эга интровертларга ташкилотчилик ва бошқариш билан боғлиқ маъмурий фаолият, тадқиқотчилик ва муҳаррирлик ишлари, шунингдек, муסיқа чолғуларини тайёрлаш, созлаш ишларини тавсия қилиш мумкин.

Нейротизми паст даражада бўлган экстравертлар яхши ташкилотчи, дирижёр, концерт ижрочилари бўлиши мумкин.

Буларнинг барчаси тавсия, уларни мутлақ аниқ кўрсатма деб тушунмаслик лозим.

Муסיқачининг ўзини ўзи тарбиялаши ва ўз устида тиришқоқлик билан ишлаши унга ёққан ёки ҳаёт тақозоси билан қилишига тўғри келган ишларни бажариши учун етишмайдиган психологик сифатлар ўрнини қоплаб кетишига оид ҳаётий мисоллар кўп.

Тавсия этилаётган тестлар муסיқий фаолиятнинг аниқ турларидаги машғулотлар учун рағбат кўрсатишга йўналтирилган. Шуниси аниқки, эстрада ижроچиси учун зарур хусусиятлар педагог ёки муסיқа назариётчиси учун керак бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, яккахон концерт соҳасига ихтисослашишни истовчилар учун ўз талантини омма олдида намоеън қилиш хоҳиши, муסיқий асарни пухта пардозлашга интилиш, бошқалар билан рақобатлашишга эҳтиёж каби хусусиятлар муҳим. Педагогик фаолият соҳасида ихтисослашиш учун оммани уюштириш ва ўз ортидан эргаштира олиш, келишувчанлик, болаларга муҳаббат, таълим услубиётини яхши кўриш кўпроқ аҳамиятга эга.

Муסיқашунослик фаолияти учун таҳлилий ва образли фикрлаш қобилияти, ўз фикрлари ва ҳиссиётларини яхши адабий тил билан етказиб бера олиш муҳим ҳисобланади. Токи потенциал тингловчи (билимдон ёки ҳаваскорлар) муסיқашунос иши билан танишгандан сўнг яна бир бор муסיқага мурожаат қилишни истасин.

Композитор учун ўз имкониятларини намойиш этиш, бошқалар билан мулоқот эмас, ўзининг ҳаётий таассуротларини муסיқий образлар тилига кўчиришга интилиш муҳимдир.

Психологлар А.Кемп ва П.Мартин, Айзенк ва Кэттел тестлари ёрдамида муסיқий коллеж талабалари шахсияти хусусиятларини тадқиқ этишган. Уларнинг маълумотларига кўра, торли муסיқа чолғулари бўлими ўқувчилари – скрипкачилар, альтчилар, виолончелчилар учун интравертивлик, уятчанлик, ўзидан қониқиш каби хусусиятлар хосдир. Дэвис маълумотларига кўра, бу хусусиятларга юқори даражадаги хавотирчанлик ҳам қўшилади. Пуфлаб чалинадиган мис муסיқа чолғуси билан шуғулланувчи талабаларда тадқиқотчилар юқори бўлмаган интеллектуал муваффақиятлар даражаси, кам ҳиссиётлилиқ, гуруҳ фикрига

боғлиқ бўлиш, яъни конформизм, бошқалар фикрига қўшилиш тенденциясини аниқлаган.

Пианиночиларни текширишда нисбатан хилма-хил шахсий хусусиятлар аниқланган. Уларга экстравертивлик, ижтимоий талабларга мослашувчанлик, одатлар ва қарашларда консерватизм, ўзини уринтирмаслик, зийраклик хосдир. Хонандаларда, Кемп маълумотларига кўра, экстравертивлик, мустақил фикрлаш, яққол намоён бўлувчи хиссиётлилик, маҳоратлилик ва норозилик аниқ намоён бўлади.

Ўз психик аҳволини текшириш учун Спилбергернинг хавотирчанликни аниқлаш бўйича тестидан (қаранг: тестлар) фойдаланиш мумкин. Тест орқали ўлчанган хавотир даражаси қанча юқори бўлса, ҳаётдан қониқиш шунчалик кам ва қандайдир касалликка чалиниш эҳтимоли кўп бўлади. Юқори хавотирчанлик даражаси ижрода кўпинча ритмик томонга зарар етказди, оммавий чиқишларда эса кераксиз узилишлар бўлиши мумкин. Юқори хавотирчанлик одатда композиторлик, ижрочилик ва педагогик фаолиятига халақит берувчи баланд эмоционаллик билан боғлиқ бўлади.

Муסיқачи қандай табиий қобилиятга эга бўлмасин, у ҳам худди ҳаётда нимагадир эришмоқчи бўлган ҳар қандай одам каби ички ва ташқи ғовларни енгиб ўтиши учун иродавий куч сарфлашига тўғри келади. Лекин кўпинча ижобий сифатларга эга бўлишни истаган ҳолда у ўзига ёқимли ва қулай бўлган нуқсонларидан воз кечгиси келмайди. Ялқовлик, сержаҳллик, уятчанлик, бўшангликни енгиш жуда кўп меҳнатни, меҳнат иродани, ирода эса катта хоҳишни талаб этади. Шу ерда А. Навоий ҳикматларидан яна бир бор келтириб ўтиш ўринли бўлади:

*Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.*

Характернинг исталган сифатини тарбиялашдаги биринчи қадам – шахсиятдаги ироданинг ривожланганлик даражасини англашдир. Тест бунга ёрдам беради.

Тестларни татбиқ этиш ўқувчиларга ўз шахсиятидаги хусусиятларни чуқурроқ англаш, касб танлашдек мураккаб муаммонинг ечимини осон топиш, ўз шахсиятининг кучли ва ожиз томонларини чуқурроқ билиб олиш имконини беради. (+уйидаги тестлар ушбу китобга мувофиқ берилади: Петрушин В.И. Музыкальная психология, М., 1997).

ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

Нейротизм ва экстраверсия даражасининг намоён бўлишига оид Айзенк тести

1. Янги таассуротларга, кўнгил очишга, ҳаяжонланишга интиласизми?
2. Сизни тушунадиган, тетиклаштира оладиган ёки тасалли берадиган дўстларга тез-тез эҳтиёж сезасизми?
3. Ўзингизни беозор одам деб ҳисоблайсизми?
4. Ўз мақсадларингиздан воз кечишингиз жуда қийинми?
5. Бир нарса қилишдан аввал шошмасдан ўйлаб кўришни маъқул кўрасизми?
6. Ўзингизга бефойда эканлигига қарамай ҳар доим ваъдангизнинг устидан чиқасизми?
7. Кайфиятингиз тез-тез кўтарилиб ва тушиб турадими?
8. Ўйлаб ўтирмай, тез гапирасизми?
9. Қачондир, гарчи бунинг учун жиддий сабаб бўлмаса ҳам, ўзингизни бахтсиз одам деб ҳис қилганмисиз?
10. Агар иш баҳслашишгача бориб етса, ҳамма нарсага тайёр бўлиб қолишингиз тўғрими?
11. Келишган йигит (қиз) билан гаплашмоқчи бўлганингизда ҳаяжонланасизми?
12. Хафа бўлиб ўзингизни тутолмай қолган пайтингиз бўладими?
13. Тез-тез таваккал қиласизми?
14. Бирор нарсани қилиш ёки гапирмаслик керак эди, деган хаёллар сизни тез-тез қийнайди?
15. Сиз машҳур кишилар ҳақидаги китобларни ёқтирасизми?
16. Сизни ранжитиб кўйиш осон, тўғрими?
17. Давраларда тез-тез бўлишни яхши кўрасизми?
18. Бошқа одамлар билишини истамаган хаёлларингиз борми?
19. Баъзан кучга тўла, баъзан эса умуман ланжсиз, тўғрими?
20. Камроқ, лекин яқинроқ дўстларингиз бўлишини истайсизми?
21. Кўп орзу қиласизми?
22. Сизга бақаришса, сиз ҳам худди шундай жавоб қайтарасизми?
23. Айбдорлик ҳисси сизни кўп қийнайди?
24. Одатларингизнинг барчаси яхши ва маъқулми?
25. Ҳиссиётларингизга эрк бериб, сершовқин даврада кўнгил ёзишга қодирмисиз?
26. Сиз ҳақингизда асаблари кўпинча ҳаддан ташқари таранг бўлади, дейиш мумкинми?
27. Тетик ва қувноқ одамлардан ўзингизни четга тортасизми?
28. Ишни бажариб бўлгандан сўнг кўпинча хаёлан яна ишга қайтиб, яхшироқ қилишим мумкин эди деб ўйлайсизми?

29. Даврадалигингизда одатда ўзингизни хотиржам ҳис этасизми?
30. Миш-миш ташиган пайтларингиз бўлганми?
31. Хаёлингизга ҳар хил фикрлар келаверганидан ухлолмаган пайтларингиз бўлганми?
32. Бирор нарса ҳақида билмоқчи бўлсангиз, бу ҳақда дўстларингиздан сўрагандан кўра китобдан ўқишни маъқул кўрасизми?
33. Юрагингиз тез-тез уриб кетган пайтлар бўлганми?
34. Зўр диққат талаб этувчи иш сизга ёқадими?
35. Титраш хуружи бўладими?
36. Агар айтганларингиз ҳеч қачон фош бўлмаслигини билсангиз, ҳар доим ҳаммабоп руҳда гапирган бўлармингиз?
37. Бир-бирининг устидан ҳазил қиладиган кишилар даврасида бўлиш сиз учун ёқимсизми?
38. Серзардамисиз?
39. Тез ҳаракат қилишни талаб қиладиган иш ёқадими?
40. Ҳаммаси яхши тугаганига қарамай, ёмонлик ва даҳшатлар ҳақидаги хаёллар сизга тинчлик бермаслиги тўғрими?
41. Сиз сусткаш ва бамайлихотирмисиз?
42. Учрашув ёки ишга қачондир кеч қоласизми?
43. Тез-тез даҳшатли туш кўрасизми?
44. Сухбатлашишни шу даражада яхши кўрасизки, ҳатто нотаниш одам билан гаплашиш учун қулай фурсатни бой бермайсиз, бу тўғрими?
45. Қандайдир оғриқлар безовта қиладими?
46. Ўз танишларингиз билан узоқ вақт кўришмасангиз, ўзингизни бахтсиз деб ҳис қиласизми?
47. Ўзингизни асабий одам деб атай оласизми?
48. Сиз билган одамлар ичида сизга аниқ ёқмайдиган кишилар борми?
49. Ўзингиз ҳақингизда ўзига ишонган инсон, деб айта оласизми?
50. Камчиликларингиз ёки ишдаги нуқсонларингизни танқид қилиб сизни ранжитиш осонми?
51. Байрам кечасида ҳақиқатдан хурсанд бўлиш қийин, деб ҳисоблайсизми?
52. Бошқаларга нисбатан ёмонроқман, деган фикр безовта қиладими?
53. Зерикарли даврага қувноқ руҳ олиб кириш сиз учун осонми?
54. Умуман тушунмаган нарсаларингиз ҳақида гапирган пайтларингиз бўлганми?
55. Ўз соғлигингиздан ташвишланасизми?
56. Бошқаларга ҳазил қилишни ёқтирасизми?
57. Уйқусизликдан азият чекасизми?

Жавоблар калити (биринчи жадвал):

Э – экстраверсия
 Н – нейротизм
 Ё – ёлгон

Биринчи жадвал

Савол т/р	«Ҳа» жавоби	«Йўқ» жавоби	Савол т/р	«Ҳа» жавоби	«Йўқ» жавоби	Савол т/р	«Ҳа» жавоби	«Йўқ» жавоби
1	э		20		э	39	э	
2	н		21	н		40	н	
3	э		22	э		41		э
4	н		23	н		42		ё
5		э	24	ё		43	н	
6	ё		25	э		44	э	
7	н		26	н		45	н	
8	э		27	э		46	э	
9	н		28	н		47	н	
10	э		29		э	48		ё
11	н		30		ё	49	э	
12		ё	31	н		50	н	
13	э		32		э	51		э
14	н		33	н		52	н	
15		э	34		э	53	э	
16	н		35	н		54		ё
17	э		36	ё		55	н	
18		ё	37		э	56	э	
19	н		38	н		57	н	

Шкала бўйича баллар ҳисобида ёлгон бештадан кўп бўлса, жавоблар шубҳали ҳисобланади ва анкета жавоблари ишончсиз ҳисобланади.

Жавоблар омиллар бўйича жадвалга киритилади. Жадвалда нейротизм ўлчами вертикаль ўқда, экстраверсия-интраверсия эса горизонталь ўқда жойлашган. Ҳар иккала ўқ 0 дан 24 гача бўлган градацияга эга.

Шахсият акцентуатсиясининг¹ намоён бўлишига оид Шмишек тести

1. Ҳеч қачон ғамгин бўласизми?
 2. Хафагарчилик ва дилсиёҳликка нисбатан сезгирмисиз?
 3. Осон йиғлайсизми?
 4. Ишдан сўнг унинг сифати ҳақида шубҳа пайдо бўлмайдими?
- Уни тезда текшириб кўришга киришиб кетасизми?
5. Болалигингизда тенгдошларингиз каби ботирмидингиз?

¹ Шахсият акцентуатсияси – маълум бир шахсий хусусиятни ало³ида кўрсатиш (ур¹/4у бериш).

6. Жуда қувноқ кайфиятдан жуда қайғули кайфиятга тушиб қолиш холлари бўладими?
7. Жамоатчилик орасида диққат марказида бўлишни ёқтирасизми?
8. Ҳеч қандай сабабсиз ғазабланган кунларингиз бўлганми?
9. Жиддий инсонмисиз?
10. Завқланишга, қойил қолишга қодирмисиз?
11. Удабуронмисиз?
12. Кимнидир хафа қилиб қўйсангиз тезда эсдан чиқарасизми?
13. Юмшоқ кўнгилмисиз?
14. Почта қутисига хат ташлаб, тушганлиги ёки тикилиб қолганлигини текшириб кўрасизми?
15. Иззатталаблик туфайли энг яхшилар қаторида ёки энг яхши бўлишга ҳаракат қиласизми?
16. Болалигингизда момақалди роқ ва итлардан кўрққанмисиз?
17. Бошқа одамлар сизни бачкана деб ҳисоблайдиларми?
18. Сизнинг муносабатингиз ташқи шарт–шароитларга боғлиқми?
19. Барча танишларингиз сизни яхши кўрадилми?
20. Гоҳида бўлиб турадиган руҳий зўриқиш, ички безовталиққа мойилмисиз?
21. Кайфиятингиз бироз тушкунми?
22. Оғир кайфиятни бошдан кечира туриб, додлаб йиғлаганмисиз?
23. Бир жойда узоқ туриб қолиш сиз учун қийинми?
24. Сизга нисбатан адолатсизлик қилинганда ўз манфаатларингизни қизғин ҳимоя қиласизми?
25. Тирик қушни сўя оласизми?
26. Парда ёки дастурхоннинг нотўғри тургани жаҳлингизни чиқарадилми?
27. Болалигингизда уйда ёлғиз қолишга кўрқармидингиз?
28. Сабабсиз кайфиятингиз ўзгарадилми?
29. Ўз касбий сифатларингиз билан энг яхшилардан бири бўлиб ҳисобланасизми?
30. Жаҳлингиз осон чиқадими?
31. Шўх ва қувноқ бўлишга қодирмисиз?
32. Бахтдан бошингиз айланган ҳолатлар бўлганми?
33. Кимгадир у ҳақдаги фикрингизни тўғридан-тўғри айта оласизми?
34. Жамоатчиликнинг кўнглини олиб, давранинг жони бўла оласизми?
35. Қон кўрсангиз кўрқасизми?
36. Катта масъулиятли ишга бажонидил бел боғлайсизми?
37. Адолатсизлик қилинаётган кишилар тарафдори бўла оласизми?
38. Қоронғу ертўлага тушиш, бўм-бўш, ёритилмаган хонага кириш сизни ташвишлантирадилми?

39. Унчалик сердиққат ва изчил бўлмаган, аста-секинлик ва аниқликни талаб этувчи фаолиятни маъқул кўрасизми?
40. Дилкаш одаммисиз?
41. Мактабда шеърларни бажонидил ифодали ўқиб берармидингиз?
42. Болалигингизда уйдан қочиб кетармидингиз?
43. Ҳаёт мураккабдек туюладими?
44. Бирор зиддият, жанжалдан сўнг хафа бўлиб, ундан сўнг ишга, ўқишга боргингиз келмаган пайтларингиз бўлганми?
45. Омадсизликда ҳам юмор ҳиссини йўқотмайман, деб айта оласизми?
46. Кимнидир хафа қилиб қўйсангиз, ярашиб олишга ҳаракат қиласизми?
47. Ҳайвонларни яхши кўрасизми?
48. Уйдан кета туриб, қайтиб келиб ҳеч нарса бўлмаганмикин деб, текшириб кўрган пайтларингиз бўлганми?
49. Ўзингиз ёки ота-онангизга бирор нарса бўлмаганмикин деган ҳаёл сизни баъзан безовта қиладими?
50. Кайфиятинингиз об-ҳавога қараб ўзгарадими?
51. Саҳна ёки минбарда катта аудитория олдида чиқиш сиз учун қийинми?
52. Кимдандир жаҳлингиз чиқса, кўлингизга эрк берасизми?
53. Давраларда бўлиш ёқадими?
54. Кўнглингиз қолиши таъсири остида умидсизликка тушиб қолишингиз мумкинми?
55. Ташкилотчилик фаолиятини ёқтирасизми?
56. Агар йўлингизда кўп тўсиқлар учраса, ўз мақсадингизга етишиш учун матонат кўрсатасизми?
57. Фожиали фильм кўзларингизга ёш қалқийдиган даражада сизни ҳаяжонлантириши мумкинми?
58. Каллангиз кундузги ташвишлар билан бандлиги сабабли ухлаш қийин бўладими?
59. Синфдошларингизга айтиб турганмисиз ёки кўчиришга берганмисиз?
60. Нотаниш кўчадан қоронғида ўтишингиз кераклиги сизни ташвишлантирадими?
61. Уйингиздаги ҳар битта буюм ўз ўрнида туришини назорат қиласизми?
62. Руҳингиз тушиб уйқуга кетиб, эрталаб эса бўғиқ ва маъюс кайфиятда уйғонган пайтларингиз бўладими?
63. Янги вазиятга осон мослашасизми?
64. Бош оғриғига дучор бўлганмисиз?
65. Тез-тез кулиб турасизми?

66. Ҳеч нарсага арзимайдиган одам, деб билган кишиларингизга улар буни пайқамайдиган даражада муомала қила оласизми?
67. Ўзингизни чаққон ва уддабурон одам деб ҳисоблайсизми?
68. Адолатсизликдан азият чекасизми?
69. Табиатни севасизми?
70. Уйдан чиқиб кетаётиб ёки уйқуга кетиш олдидан газ ва электр ўчирилганлигини текширасизми?
71. Қўрқоқмисиз?
72. Алкоголь таъсирида кайфиятингиз ўзгарадими?
73. Драма тўғарақларида иштирок этганмисиз?
74. Бирор номаълум қизиқарли нарсага мойиллик ҳис этасизми?
75. Келажакка пессимистик муносабатдамисиз?
76. Кутилмаганда катта қувончдан чуқур қайғуга тушган пайтларингиз бўлганми?
77. Одамлар билан мулоқотда маълум бир кайфият ярата оласизми?
78. Ғазаб, аламни узоқ сақлайсизми?
79. Бошқа инсонлар ғамига узоқ вақт қайғурасизми?
80. Мактаб йилларида сиёҳ доғи туфайли бутун дафтарни бошқатдан кўчириб чиқа олармидингиз?
81. Одамларга ишонишдан кўра, кўпроқ эҳтиёткорлик ва ишончсизлик билан муносабатда бўласиз деб айтиш мумкинми?
82. Қўрқинчли тушларни тез-тез кўрасизми?
83. Гоҳида миянгизга юриб кетаётган поезд ғилдирақлари тагига ўзингизни ташлаш ёки юқори қаватда жойлашган уй деразасидан сакраш фикри келиб қоладими?
84. Қувноқ одамлар даврасида хурсанд бўла оласизми?
85. Оғир муаммолар ҳақида доим ўйлайвермаслик учун улардан етарлича чалғий оласизми?
86. Кутилмаган ёки импульсив ҳаракатларни амалга оширасизми?
87. Суҳбатда сиз сергапмисиз ёки камгапмисиз?
88. Театр намоишида сахнадалигингизни унутар даражада ролга кириб кета оласизми?

Қайта ишлаш

Ярим тайёр баллар мос келган ижобий ва салбий жавоблар сони бўйича ҳисобланади. Кейин эса нормалаштирувчи коэффициентга кўпайтирилади. Сўнгра график чизилади – абцисса ўқи бўйича шкала рақамлари, ордината бўйича – қўлга киритилган иш баллари жойлаштирилади. 14-15 дан баланд кўрсаткич акцентуация белгиси бўлиб ҳисобланади. Кўпайтирилгандан сўнг максимал баллар миқдори – 24.

Акцентация тури	Саволларга жавоб ¹	Нормалашти- рувчи коэффициент
1. Гипертим	1, 11, 23, 34, 45, 55, 67,77	3
2. Туриб қолувчи	2, -12, 15, 24, 33, 37, -46, 56, - 59, 68, 78, 81	2
3. Эмотив	3,13, -25, 35, 47, 57, 69, 79	3
4. Бачкана	4, 14, 17, 26, -36, 39, 48, 58, 61, 70, 80, 83	2
5. Безовта	-5, 16, 27, 38, 49, 60, 71, 82	3
6. Циклотим	6, 18, 28, 40, 50, 62, 72, 84	3
7. Намойишкорона	7,19, 22, 29, 41, 44, -51, 63, 66, 73, 85, 88	2
8. Ҳаяжонланадиган	8, 20, 30, 42, 52, 64, 74, 86	3
9. Дистимик	9, 21, -31, 43, -53, -65, 75, 87	3
10. Ғоят шод	10, 32, 54, 76	6

Безовталиқни аниқлашга оид тест (Спилбергер бўйича)

Иккинчи жадвалда келтирилган жумлаларни диққат билан ўқиб чиқинг ва ўзингизни қандай ҳис қилишингизга қараб ўнг томондаги мос рақамни чизиб қўйинг. Савол устида кўп ўйламанг, негаки тўғри ва нотўғри жавоблар йўқ.

Иккинчи жадвал

т/ р	Жумла	Де- ярли ҳеч қачон	Баъ- зан	Кў- пинча	Де- ярли ҳар доим
1	Мен қониқиш ҳис этаман	1	2	3	4
2	Мен тез чарчайман	1	2	3	4
3	Тезда йиғлаб юборишим мумкин	1	2	3	4
4	Бошқалардай бахтли бўлмоқчиман	1	2	3	4

¹ Манфий-салбий, усиз-ижобий.

5	олмаганим учун ютқазиб қўяман Ўзимни тетик ҳис этаман Мен хотиржам, совуққон ва ўзимни тутиб олганман	1	2	3	4
6	Қийинчиликларни кутиш мени	1	2	3	4
7	хавотирга солади Майда-чуйдаларни деб ҳаддан	1	2	3	4
8	ташқари кўп қийналаман Мен ғоятда бахтлиман	1	2	3	4
9	Ҳамма нарсани дилимга яқин оламан Менда ўзимга ишонч етишмайди	1	2	3	4
10	Мен ўзимни хавфсиз ҳис этаман	1	2	3	4
11	Мен танқидий вазиятлар ва қийинчиликларни четлаб ўтишга	1	2	3	4
12	ҳаракат қиламан Маъюс бўлиб қоламан	1	2	3	4
13	Ҳаётдан қониқаман Турли майда-чуйдалар мени	1	2	3	4
14	чалғитади ва ҳаяжонлантиради Ҳафсалам пир бўлса, эсдан чиқаролмайман	1	2	3	4
15	Мен вазмин одамман	1	2	3	4
16	Ўз иш ва ташвишларим ҳақида	1	2	3	4
17	ўйлаганимда қаттиқ хавотирланаман	1	2	3	4
18		1	2	3	4
19		1	2	3	4
20		1	2	3	4

Балларни ҳисоблаш қуйидаги усул билан амалга оширилади: 2, 3, 4, 5, 8, 9, 11, 12, 14, 15, 17, 18, 20 саволларга берилган жавоблар миқдоридан 1, 6, 7, 10, 13, 16, 19 саволларга берилган жавоблар миқдори айрилади. Келиб чиққан фарққа 35 сони қўшилади. Спилбергер шкаласи бўйича жами кўрсаткич қуйидагиларни англатади: 30 баллгача – паст безовталиқ даражаси, 30 дан 45 гача – ўрта даража, 45 дан юқори – юқори безовталиқ даражаси.

Шахсиятдаги ирода хусусияти шаклланганлик даражасининг намоён бўлишига оид тест

(Натижаларни қайта ишлаш методикаси тестлар охирида берилади).

Ҳар бир савол учун кейинги баллар берилади: 1 – бундай бўлмайди; 2 – балки, эҳтимол; 3 – бўлиши мумкин; 4 – эҳтимол, ҳа; 5 – ишонаманки, ҳа.

Мақсадга йўналганлик

1. Аниқ мақсад ва вазифалар қўя билиш:

а – касбий маҳоратни ошириш бўйича 3-4 йил олдин мўлжалланган аниқ истиқболли мақсадга эгаман;

б – келгуси йил учун ўқитувчим билан ҳамкорликда муваффақиятлар даражасини режалаштиряпман; тайёргарликнинг тегишли босқичлари учун аниқ вазифалар қўяман;

в – навбатдаги машғулот, синов ва имтиҳонлар учун галдаги вазифаларни қўяман.

2. Ўз фаолиятини мунтазам амалга ошира олиш:

а – алоҳида уй вазифалари режаларини бажараман;

б – ва имтиҳон топшириш режаларини бажараман;

в – ўтказилган машғулотлар, ўтган синов ва имтиҳонларни баҳолайман; белгиланган режаларни таҳрир қиламан.

3. +ўйилган мақсадларга етишиш учун ўзини йўналтира билиш:

а – мақсадга эришиш учун қатъий тартибга амал қиламан;

б – касбий кўтарилиш мақсади ва вазифаси мен учун кучли фаоллик манбаси бўлиб ҳисобланади;

в – ўзимнинг мусиқий машғулотларим жараёнидан катта қониқиш ҳис этаман.

Қатъият ва матонат

4. Қўйилган мақсадга мунтазам эриша олиш:

а – мен мусиқий чолғуда мунтазам шуғулланаман ва дарс учун мўлжалланган соатларим миқдорини қатъий кузатиб бораман;

б – ўйин ҳаракатлари техникасини пухта эгаллашга диққат билан, мунтазам ҳаракат қиламан;

в – профессионал маҳоратимдаги камчиликларимни қатъийлик билан кетма-кет бартараф этишга ҳаракат қиламан.

5. Ёмон кайфиятни бартараф қилиш:

а – чарчаш ҳисси ортиб борганда мен сабр қиламан ва иш суръатини пасайтирмасдан машғулотни давом эттираман;

б – кайфиятим ёмон бўлса-да, «истамайман» ёки «қилолмайман»лардан ўтиб, ўзимни фаолиятга ундайман;

в – зерикарли, лекин керакли машқларни сабр билан ва узоқ муддат қайтаришим мумкин.

6. Омадсизлик ва бошқа қийинчиликларга қарамай фаолиятни давом эттира билиш:

а – асар ижросидаги омадсизлик мени мақсадга эришиш – яхшироқ чалишга сафарбар этади;

б – омадсизлик пайтида ўз машғулотларимнинг давомийлиги билан чалғишга мойил бўламан;

в – имтиҳонда бир нарсани муваффақиятсиз ижро этиб, мен руҳан чўкмайман ва кейинги асарларни яхшироқ чалишга ҳаракат қиламан.

Дадиллик ва жасурлик

7. Ўз вақтида керакли қарорни қабул қила билиш:

а – мен пайсалга солиш мумкин бўлмаган пайтда бирор ҳаракат, мақсад, ишни амалга ошириш ҳақида ўз вақтида қарор қабул қила оламан;

б – мен таваккал шароитида ҳам зарур ҳаракат ҳақида ўз вақтида қарор қабул қила оламан;

в – ўз ҳамкасбларим (ансамбль ва оркестр) олдида маънавий масъулият шароитида ўз вақтида қарор қабул қила оламан.

8. Қўрқув ҳиссини енга билиш:

а – масъулиятли чиқиш пайтида таваккал қилиш ва ишни бошлаш хоҳиши пайдо бўлади (танловда нисбатан тез суръатларда ижро этишим мумкин);

б – масъулиятли чиқиш пайтида хаёлан ташвишларимдан соқит бўламан ва диққатимни бутунлай ўз ижро ҳаракатларимга қаратаман;

в – маънавий масъулият шароитида онгли равишда ёмон кечинмаларни енгиб ўтаман ва қатъият билан ҳаракат қиламан (бетоб солист ўрнига партияни ижро этиб беришим мумкин).

